O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 16 июнь № 126 (3401) Чоршанба

## ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ:

# ЯНГИ АСРДА ЯНГИЧА ҲАМКОРЛИК

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таклифига биноан 14 июнь куни Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди.***

Ўзбекистон ташқи сиёсатида Хитой билан муносабатлар алоҳида ўрин тутади. БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси, иқтисоди жадал ривожланаётган бу давлат билан ҳамкорлик қилиш иқтисодий ривожланишда, миллий ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашда, глобаллашув жараёни чуқурлашаётган ва турли сиёсий ўзгаришлар даври бўлган ҳозирги шароитда халқаро сиёсат майдонидан муносиб ўрин эгаллашда катта аҳамият касб этади. Халқаро муаммоларни ечишда тобора фаол қатнашаётган, дунёда эътироф этилган "Хитой модели" туфайли ялпи ички маҳсулоти бир неча йилдан буён 7-8 фоиз миқдорда барқарор ўсиб келаётган бу давлат дунёнинг етакчи мамлакатлари қаторидан жой олган.

Хитой Ўзбекистон билан ҳамкорликни юксак қадрлайди. Зеро, ташқи дунё билан алоқаларни кенг кўламда ривожлантириш йўлидан бораётган мамлакатимиз ўз минтақасида хавфсизликнинг асосий таянчи вазифасини ўтаётгани, унинг юксак сиёсий нуфузи ва иқтисодий салоҳияти халқаро миқёсда эътироф этилмоқда.

Халқларимиз қадимдан Буюк Ипак йўли орқали бир-бири билан алоқа қилиб, фани ва маданиятини бойитиб, тажриба алмашиб келган. Хитойликлар айрим қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, хусусан, узум ва беда етиштиришни Ўрта Осиё халқларидан ўрганган. Бу ерда эса Чин юртининг ипакчилиги ва эритиш техникаси ўзлаштирилган.

Ўзбекистон — Хитой муносабатларини ривожлантириш Буюк Ипак йўли орқали ўрнатилган ва равнақ топган тарихий алоқаларни тиклаш ва ҳозирги замонавий ҳамкорликни кенгайтириш нуқтаи назаридан ҳам долзарбдир. Икки мамлакат давлат раҳбарлари ўртасидаги ўзаро ҳурмат ва ишонч, муносабатларимизнинг ҳуқуқий пойдевори мустаҳкамлиги бунинг учун қулай замин яратади.

Шиддат билан ўзгараётган бугунги сиёсий, ижтимоий-иқтисодий вазият нафақат Ўзбекистон ва Хитой каби яқин қўшни давлатлар, балки бутун дунё мамлакатларининг ҳамжиҳатликда иш олиб боришини тақозо этмоқда. Глобаллашув жараёни ижтимоий-иқтисодий ҳамкорликни ҳамда транспорт ва коммуникация алоқаларини ривожлантиришни, террорчилик, экстремизм, трансмиллий уюшган жиноятчилик, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасининг, оммавий қирғин қуроллари тарқалишининг олдини олишни, сиёсий алоқаларни янада ривожлантиришни талаб қилмоқда.

Мана шу масалаларнинг ўзиёқ Ўзбекистон — Хитой муносабатларида ҳамкорлик учун кенг фаолият майдони мавжудлигини кўрсатади. Энг муҳими, алоқаларни ривожлантиришдан, бир-бирини қўллаб-қувватлашдан икки мамлакат ҳам бирдек манфаатдордир.

Шу маънода, ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи ўзаро алоқаларнинг бугунги аҳволини олий даражада таҳлил этиб, истиқболларини белгилаб олиш, долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар юзасидан фикр алмашиш учун қулай имконият яратди.

15 июнь куни "Дўрмон" қароргоҳида ХХР Раиси Ху Цзиньтаони расмий кутиб олиш маросими бўлди. Олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва ХХР Раиси Ху Цзиньтао шоҳсупага кўтарилдилар. Икки мамлакатнинг давлат мадҳиялари янгради. Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтаонинг яккама-якка суҳбатида Ўзбекистон — Хитой муносабатларига доир масалалар муҳокама қилинди. Мамлакатларимиз сиёсий, савдо-иқтисодий, ижтимоий соҳаларда самарали ҳамкорлик қилиб келаётгани, хавфсизлик масалалари борасидаги алоқалар фаоллашаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Дарҳақиқат, томонлар эътироф этганларидек, айни пайтда Ўзбекистон — Хитой муносабатлари ўз тарихидаги энг юқори поғонага кўтарилган. Бунинг энг муҳим омили ҳамжиҳатликдир. Дунёдаги вазият қандай йўналишда ўзгармасин, Ўзбекистон ва Хитой яқин қўшничиликни, дўстлик ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантираверади. Зотан, мамлакатларимизнинг қатор халқаро муаммоларга муносабат ва ёндашувлари ўхшаш ёхуд яқин.



Айниқса, террорчилик, айирмачилик, экстремизм ва наркобизнес каби хавфсизликка таҳдид солувчи иллатларга қарши курашда муросасизлик тамойилига ҳар икки давлат бирдек қатъий таянади. Томонларнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доирасидаги ҳамкорлигида ҳам хавфсизликни таъминлаш масаласи устувор йўналишлардандир.

Ўзбекистон раҳбари кўп йиллардан буён жаҳон ҳамжамиятини бу иллатларга қарши курашда бирлашишга даъват этиб келмоқда. Хитой томони эса халқаро доирага террорчилик, экстремизм ва айирмачиликни англатувчи "уч ёвуз куч" атамасини киритди. Ўзбекистон Хитойнинг "хавфсизлик камари" тамойили — қўшни давлатлар билан алоқаларни ҳар томонлама ривожлантириш орқали хавфсизликни таъминлаш ва тараққиётни жадаллаштиришга асосланган ташқи сиёсатини қўллаб-қувватлайди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик катта суръат билан ривожланмоқда. Жорий йилнинг январь-апрель ойларида ўзаро савдо ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 134 фоиз ошиб, 220 миллион АҚШ долларига етди. Ҳозирги вақтда умумий қиймати 100 миллион АҚШ долларига тенг қатор икки томонлама лойиҳалар амалга оширилмоқда. Музокара жараёнида турган жами лойиҳаларнинг умумий қиймати эса 1 миллиард доллардан ошади.

Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао бу кўрсаткичлар барча имкониятлар ишга солинганини англатмаслигини, мамлакатларимиз салоҳияти инобатга олинадиган бўлса, уларни янада ошириш учун барча зарур шароит мавжудлигини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Хитой делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокарасида ҳамкорликнинг амалий жиҳатларига кўпроқ эътибор қаратилди.

Икки мамлакат тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, машинасозлик, кимё, коммуникация соҳаларида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Лекин замон билан ҳамқадам бўлиш учун анъанавий соҳалар билан чекланиб қолмаслик керак. Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес вакилларининг ҳамкорлигини рағбатлантирувчи механизмларни, савдо-иқтисодий муносабатларни имкон қадар эркинлаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, бу йўлда учрайдиган тўсиқларни бартараф этиш лозим.

Президент Ислом Каримов захирадаги имкониятлар кўплигини таъкидлар экан, Ўзбекистон Хитой билан нефть-газ ва минераллар конларини ўзлаштириш, волфрам ва бошқа қимматли металларни қазиб олиш, кимё саноати, электроника маҳсулотлари ва компьютер техникаси ишлаб чиқаришда ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

Кўп томонлама ҳамкорлик борасида ҳам қилиниши мумкин ва лозим бўлган ишлар талайгина. Масалан, Афғонистон иқтисодиётининг тикланиши, у ерда барқарор тинчлик ўрнатилиши мамлакатларимиз манфаатларига бирдек мос келади. Демак, Афғонистондаги тикланиш ишларида биргаликда фаол қатнашиш, жумладан, минтақада янги транспорт алоқаси тармоқларини барпо этиш мақсадга мувофиқдир.

Ижтимоий алоқаларда ҳам ҳамкорликни янада фаоллаштириш зарур. Томонлар Ўзбекистонда ўтган Хитой маданияти кунларига юқори баҳо берар экан, бундай тадбирларни кўпайтириш халқларимизни яқинлаштиришда муҳим омил бўлишини қайд этдилар. Зеро, халқ дипломатияси давлатлараро муносабатларнинг муҳим бўғини саналади.

Ўзбекистон ва Хитой илм-фан, маданият, таълим, сайёҳлик, спорт, соғлиқни сақлаш каби соҳаларда ҳам алоқаларни ривожлантиришдан манфаатдор. Мулоқот чоғида бу йўналишлардаги ҳамкорликни ҳар томонлама рағбатлантириб боришга келишиб олинди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш борасида талай ишлар қилинди. Лекин амалга оширилиши зарур бўлган вазифалар бундан-да салмоқли. Президент Ислом Каримов ўзаро шериклик муносабатларини кенг кўламда ривожлантириш бўйича катта битим тузишни таклиф қилди. Томонлар уни тайёрлашга киришиш кераклигини таъкидладилар.

Музокаралар якунида Ислом Каримов ва Ху Цзиньтао Ўзбекистон билан Хитой ўртасида шериклик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорликни янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма декларацияни имзоладилар.

Икки мамлакат ҳукуматлари ўртасида наркотик воситаларнинг, психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши ва суиистеъмол этилишига қарши курашда ҳамкорлик қилишга, техникавий-иқтисодий ҳамкорликка оид битимлар имзоланди. Иккинчи битимга мувофиқ, Хитой томони техникавий-иқтисодий ҳамкорлик бўйича дастурлар учун 20 миллион юан ажратади. Ҳукуматлараро имзоланган бошқа икки битим 50 миллион юанлик фоизсиз ва 300 миллион юанлик имтиёзли кредит беришни кўзда тутади. Савдо-иқтисодий, сармоявий ва молиявий ҳамкорликни кенгайтириш тўғрисидаги меморандум эса мазкур соҳадаги алоқаларни ривожлантириш учун қулай имконият яратишга қаратилган.

Булардан ташқари, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасида Тошкентда Конфуций номидаги институтни ташкил этиш бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги битим, шунингдек, икки мамлакатнинг Адлия ва Маданият ишлари вазирликлари ҳамда нефть-газ компаниялари ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон ва Хитой раҳбарлари оммавий ахборот воситалари учун берган баёнотида музокаралар дўстлик, очиқлик, ишчанлик руҳида ўтганини, муҳокама қилинган барча масалалар бўйича ҳамфикрлик мавжудлигини таъкидладилар. Ташриф натижалари ўзаро муносабатларни янги поғонага кўтаришига ишонч билдирилди.

Ислом Каримов Ўзбекистон Хитойни улкан салоҳиятга, беқиёс маданий мерос ва бой тарихга, юксак нуфузга эга, олдига қўйган мақсадлар сари оғишмай барқарор ривожланиш йўлидан бораётган қўшни давлат деб билишини таъкидлади. Ху Цзиньтаонинг ташрифини ўзаро муносабатларимиз тарихидаги муҳим воқеа, деб баҳолади. Дарҳақиқат, бугун имзоланган 10 ҳужжат алоқаларимизнинг ҳуқуқий пойдеворини мустаҳкамлабгина қолмай, уларга янада салмоқли мазмун бахш этади. Истиқболдаги режада эса ҳамкорликни стратегик шериклик даражасига олиб чиқишга қаратилган ҳужжат турибди.

ХХР раҳбари ўзаро ишонч ва ҳурмат, икки томонлама манфаатдорликка таянган Ўзбекистон — Хитой муносабатларини халқларимизнинг умумий мулки деб атади. Самимий меҳмондўстлик учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирди. Ху Цзиньтао Ўзбекистон Президентига Хитойга ташриф буюришни таклиф этгани ва Ислом Каримов буни мамнуният билан қабул қилгани маълум қилинди.

"Дўрмон" қароргоҳидаги учрашувлар ниҳоясига етгач, Хитой раҳбари Ху Цзиньтао Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида пойтахтимиз марказидаги Хотира майдонига ташриф буюрди. Олий мартабали меҳмон ўзбек халқининг озодлик учун курашларда қурбон бўлган фарзандлари хотирасига ҳурмат бажо келтириб, "Мотамсаро она" ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

ХХР Раиси Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлиб, Буюк Ипак йўли тарихи ҳамда Ўзбекистон ва Хитойнинг тарихий алоқалари тўғрисида ҳикоя қилувчи экспозиция билан танишди. Халқларимизнинг тарихи минг йилларга бориб тақалади. Давлатларимиз гуллаб-яшнаган кезларда ҳам, истило ва истибдод даврларида ҳам халқларимиз бир-бири билан алоқани сақлаб қолган ва ривожлантирган.

Хитой раҳбари музейнинг истиқлол йилларига бағишланган залларини кўздан кечирар экан, Ўзбекистон мустақиллик даврида эришган бетимсол ютуқлар билан танишди.

ХХР Раисининг Ўзбекистонга давлат ташрифи давом этмоқда.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**СУРАТДА: қабул пайти.**
**А. ТЎРАЕВ олган сурат.**

***Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотига (ШҲТ) аъзо давлатлар раҳбарлари Кенгашининг Тошкентда бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлиси халқаро жамоатчилик эътиборини ўзига жалб қилмоқда. "Жаҳон" АА мухбири Германия жамоат арбобларига мурожаат қилди.***

## Германиядан нигоҳ

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитининг Тошкентда ўтказилиши тасодиф эмас, чунки Ўзбекистон салмоқли сиёсий салоҳият ва обрўга эга, — дейди германиялик публицист Александр Фитц. — Иккинчидан, республикангиз минтақага экстремистик оқимлар ва наркотиклар кириб келишининг олдини олишда ҳам жонбозлик қилмоқда. Энг муҳими, Ўзбекистон хавфсизликни таъминлаш борасидаги минтақавий ҳамкорликнинг маркази ҳисобланади.

— Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкентда ўтказилаётган саммити юқори даражадаги минтақавий ҳамкорлик ва ШҲТга аъзо мамлакатларнинг муҳим масалаларни ҳал қилишда ўз кучларини мувофиқлаштиришга бўлган интилишини намойиш этаяпти, — дейди Германиянинг иқтисодиётда рақобатга кўмаклашувчи уюшмаси раҳбари, "Германия-Ўзбекистон" жамияти вице-президенти, доктор Петер Шпари. — Саммит кун тартибига киритилган масалаларнинг хилма-хиллигига қараб, Тошкент ушбу учрашувга аъло даражада тайёргарлик кўрди, деб қатъий ишонч билан айтиш мумкин.

Учрашувнинг муҳим масалалари орасида халқаро терроризм ва экстремизмга қарши туриш муаммолари муҳокамаси бор. Мен шу нарсага эътиборни қаратмоқчи эдимки, Ўзбекистон бу масалаларни ҳал қилишда нафақат катта тажрибага эга, балки бундай касаллик тарқаб кетишининг олдини олиш бўйича халқаро ташаббусларнинг амалга ошишига муносиб ҳисса қўшган.

**Аслам АКБАРОВ,**
**"Жаҳон" АА,**
**Берлин.**

## BOCO:

## ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

Икки дўст мамлакат — Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорлик муносабатлари, хусусан, ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий алоқалар тобора ривожланиб бормоқда. Табиийки, иқтисодий соҳадаги ҳамкорликни янада тараққий эттиришда хитойлик ишбилармонлар билан биргаликда ташкил этилаётган қўшма корхоналар муҳим ўрин тутади. Бугунга келиб, мамлакатимизда Хитой сармояси иштирокида ташкил этилган 101 корхона фаолият юритмоқда.

"Bright Oceans" (BOCO), айниқса, ўз маҳсулотлари билан мамлакатимиз бозорида мустаҳкам мавқега эришган Хитой корпорацияси ҳисобланади. Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга давлат ташрифи доирасида "Брайт Ошенс" корпорацияси президенти Ден Вей жаноблари ҳам мамлакатимизга келди. Фан-таълим ривожига катта эътибор қаратаётган корпорация раҳбари сафар давомида республикамиз Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказида бўлиб, таълим ислоҳотларининг бориши билан танишди ва беғараз ёрдам сифатида марказга 15 та компьютер тақдим этди.

(Давоми 2-бетда).

**ШҲТ Тошкент саммитини ёритувчи журналистлар диққатига!**

***Ушбу саммитни ёритиш бўйича матбуот маркази 17 июнь куни эрталаб соат 9.00 дан иш бошлайди.***

***Матбуот маркази "Интерконтиненталь-Тошкент" меҳмонхонаси ёнидаги Бизнес марказда жойлашган.***

## ШҲТ:

# КЕЛАЖАК САРИ ОДИМЛАР

*Россия Федерациясининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Фарит МУХАМЕТШИН билан суҳбат*



***—"Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталари ўқувчиларига мурожаат қилган ҳолда, шуни таъкидламоқчиманки, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти (Қозоғистон, Қирғизистон, Хитой, Россия, Тожикистон ва Ўзбекистон) тўла шаклланиб бўлди ҳамда ўз фаолиятини кундан-кунга тобора ривожлантириб бормоқда,—дея сўзини бошлади, элчи жаноблари.— Москва саммитидан сўнг (2003 йилнинг май ойи) ўтган давр ичида кўплаб ишлар амалга оширилди. Жорий йилнинг бошидан эътиборан Пекинда ШҲТ Котибияти, Тошкентда эса доимий фаолият юритувчи орган — Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ишлаяпти. Турли хил муаммоларни ҳал этиш бўйича кўптомонлама ўзаро ҳаракатлар мувофиқлашмоқда. ШҲТнинг халқаро обрўси тобора ошиб бораяпти. Бошқача айтганда, қисқа вақт ичида ташкилотнинг оёққа туриш жараёни тугалланди. Энди олдинда янада масъулиятли ва мураккаб, яъни, кўзга яққол ташланиб турган, аниқ натижаларга йўналтирилган салоҳиятли, тўлақонли яратувчилик ишлар босқичи турибди.***

Иккинчи энг муҳим масала — ШҲТга раислик қилаётган давлат сифатида Ўзбекистон бу жараёнларда ниҳоятда фаол иштирок этмоқда. Айнан, Ўзбекистоннинг ташаббуси билан шу йилнинг 4 июнь куни Тошкентда ташкилотга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг илк учрашуви бўлиб ўтди. ШҲТга аъзо давлатлар Хавфсизлик кенгашлари котибларининг учрашуви бўйича Регламент қабул қилиниши мазкур учрашувнинг якуний натижаларидан бири бўлди. Шундай қилиб, ШҲТ тузилмасида хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича доимий фаолият юритадиган мутлақо янги мувофиқлаштирувчи-маслаҳатлашувчи механизм яратилмоқда.

Хавфсизлик кенгашлари котиблари ШҲТ доирасида янги таҳдидлар, шу билан бирга, қурол-яроғ ва ўқ-дорилар, заҳарли ва радиоактив моддаларнинг ноқонуний айланиши ҳамда ёлланма террорчилик бўйича тўлақонли дастурий ҳужжат тайёрлаш мақсадга мувофиқлигини тушуниб етишди. Бундан ташқари, бир неча кун олдин Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ижроқўми директори В. Т. Қосимов (Ўзбекистон вакили) Москвада бўлди. Сафар давомида у Россия ФХХ, ТИВ ва ИИВ раҳбарлари билан учрашиб, мазкур тузилма фаолиятини янада такомиллаштиришга оид Россия томонининг тавсиялари билан танишиш имкониятига эга бўлди.

ШҲТга аъзо давлатлар ишлари бўйича миллий мувофиқлаштирувчилар йил давомида фаол иш олиб борганини ҳам алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. ШҲТ Миллий мувофиқлаштирувчилар кенгашида Ўзбекистон ва Россия томонларидан тажрибали дипломатлар — Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари И. Т. Неъматов ва Россия ТИВ махсус топшириқлар бўйича элчиси, Россия Президентининг ШҲТ ишлари бўйича махсус вакили В. Я. Воробьев фаолият юритишмоқда.

**— Муҳтарам элчи жаноблари! Маълумки, бугун Ўзбекистон пойтахтида Шанхай ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити бошланади. Сизнингча, бу саммит бошқаларидан қай жиҳатлари билан фарқ қилади?**

— Саволингизнинг бир қисмига мен юқорида жавоб бердим. Олти давлат раҳбарларининг учрашуви ШҲТнинг институционал ташкилот сифатида барпо этилиш даврига якун ясайди. Давлатлар ўртасида ШҲТ Хартиясида қайд этилган барча йўналишлар бўйича кенг кўламли ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро узвий амалий ҳаракатларни кучайтириш даври бошланаяпти. Бошқача айтганда, Тош-

(Давоми 2-бетда).

## ШҲТ:
# КЕЛАЖАК САРИ ОДИМЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

кент саммити ШҲТ фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Айтиш лозимки, Марказий Осиё ва унга чегарадош давлатларда хавфсизлик ва барқарорлик гарови — босқичма-босқич бу мамлакатларда иқтисодий ривожланишни таъминлаш, аҳолининг турмуш тарзидаги биринчи навбатда зарур бўлган талабларини қондиришдир. Бунда ШҲТнинг иқтисодий интеграциялашувини жадал суръатда амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади. Тошкентда шу йилнинг 28 май куни Ўзбекистон томонининг ташаббуси билан олти давлат иқтисодиёт ва савдо вазирларининг учрашуви бўлиб ўтди. Улар 2003 йилнинг сентябрида ҳукуматлар раҳбарлари томонидан тасдиқланган, ШҲТ доирасида кўптомонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасининг лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу режа бўйича ишларни ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари кенгашининг жорий йилнинг кузида бўлиб ўтадиган мажлисига қадар тугатиш кўзда тутилган. Шу билан бирга, савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг замонавий шаклларини жорий қилиш давлатлар ўртасида товар айланмасини кўпайтириш, меъёрий-ҳуқуқий базаларни уйғунлаштириш, технология, хизмат, пул маблағлари ва маҳсулотларнинг эркин ҳаракат қилиши учун босқичма-босқич қулай шароит яратиш каби тизимли қадамларни қўйиш режалаштирилмоқда. Президентлар, умуман, ШҲТ ва унинг минтақавий аксилтеррор тузилмасига тааллуқли бир қанча ҳужжатларни кўриб чиқиб, тасдиқлаши керак.

Саммитнинг якуний сиёсий ҳужжати—Тошкент декларациясида давлатлар раҳбарлари аъзо мамлакатларнинг келгусидаги ҳамкорлигини жадал ривожлантириш бўйича барча соҳаларда—сиёсий, иқтисодий, янги таҳдидларга қарши кураш, инсонпарварлик ва ҳ. к. аниқ топшириқлар бериши кутилмоқда.

**— Мазкур саммитда Россия томони қандай таклифларни илгари сурмоқчи?**

— Бу ерда ШҲТ "тирик организм" эканлигини яна бир бор қайд этишни истардим. Ташкилот фаолиятини мукаммаллаштириш бўйича аъзо давлатларда туғилаётган ғоя ва таклифлар ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарлари учун у ёки бу таклифларни тайёрловчи ҳукумат раислари, вазирлар, миллий мувофиқлаштирувчилар томонидан алоҳида-алоҳида муҳокама қилинади.

Мен бўлажак саммитда президентлар ШҲТ фаолиятига тааллуқли муҳим ҳужжатлар лойиҳаларини кўриб чиқиши ҳақида айтиб ўтдим. Россия барча илгари сурилган лойиҳаларни қўллаб-қувватлашни режалаштирган. Бизнинг мамлакатимиз янги таҳдидларга қарши кенг халқаро миқёсда кучларни бирлаштира оладиган янги минтақавий ва глобал хавфсизлик қурилмасини шакллантиришда фаол иштирок этишга тайёр. Россия ШҲТга аъзо бошқа давлатлар каби ҳозирги замон таҳдидларига —бу халқаро терроризм бўладими ёки минтақавий зиддиятлар ва инқирозлар бўладими — кўптомонлама ва якдиллик асосида, давлатларни турли хил категорияларга бўлмасдан ҳамда БМТнинг етакчи роли, унинг Низомига риоя этган, халқаро ҳуқуқий меъёр ва тамойилларига амал қилган ҳолда жавоб берилиши мумкин ва керак деб ҳисоблайди.

**— Саммитда ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларидан ташқари Афғонистон етакчиси ва Мўғулистон делегацияси ҳам қатнашиши кутилаяпти. Ташкилот кенгайишига Россиянинг муносабати қандай?**

— Президентлар кўриб чиқиши ва тасдиғига тақдим этилаётган ҳужжатлар ичида ШҲТ қошида Кузатувчи мақоми ҳақидаги низом лойиҳаси ҳам бор. ШҲТнинг кенгайиши масаласига келсак, тўғрисини айтганда, кўплаб давлатлар ташкилотнинг фаолиятига у ёки бу даражада қатнашишга қизиқиш билдиришмоқда. Менимча, бу ҳам ШҲТнинг дунё миқёсидаги халқаро обрўси ва таъсири ўсаётганидан гувоҳлик бериб турибди. Ушбу Низом бундай мамлакатларни қизиқтираётган кўплаб саволларга жавоб беради, деб ўйлайман. Чунки у ШҲТ фаолиятида бошқа давлатларнинг кузатувчи сифатида иштирок этиши учун имконият ва шартномавий-ҳуқуқий база яратади. Ҳар ҳолда, ШҲТ Хартияси — асосий низом ҳужжатда ташкилот очиқ эканлиги қайд этилган. Саммитда Афғонистон етакчиси ва Мўғулистон делегацияси қатнашиши масаласи барча манфаатдор давлатлар томонидан етарли даражада ўрганиб чиқилган. Афғонистон Муваққат маъмурияти раҳбари Ҳамид Карзай Тошкентга келишга рози бўлди. У саммит тадбирларида Ўзбекистон Республикаси Президенти — ШҲТнинг ҳозирги раисининг меҳмони сифатида қатнашади.

ШҲТга аъзо давлатлар етакчилари Афғонистон раҳбарияти билан барчани хавотирга солаётган қатор муаммоларни муҳокама қилишади, деб ўйлайман. Россия Президенти В. В. Путин бундан бир неча кун илгари Мехикода бўлганида қайд этганидек, "У ердаги вазият мураккаблигича қолаётир, аммо менимча, жаҳон ҳамжамияти Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича ягона ечим топишга муваффақ бўлди ва у ижобий ривожланиш йўлига кирди. Карзайнинг марказий ҳукуматни, қуролли ва ҳуқуқ-тартибот кучларини мустаҳкамлай олишига жуда умид қиламиз. Унинг халқаро ҳамжамият кўмагида ўз мамлакати иқтисодиётини мустаҳкамлаш борасида зарур қадамларни ташлашига ишонамиз. Биз ушбу мамлакатда бўлажак сайловлар ижобий натижалар билан тугайди, деб ўйлаймиз. Россия бунга ҳар томонлама кўмаклашади".

Афғонистон ҳудудидан келаётган наркотаҳдиднинг камайиши масаласи — ечими топилиши зарур бўлган муаммолардан биридир. Яқин кунларда Афғонистон Хавфсизлик кенгашининг Аксилнаркотик директорати раҳбари М. Ясинийнинг таъкидлашича, мамлакатда 2001 йилда кўкнори экилган майдонлар 1685 гектар бўлган бўлса, 2003 йилда 61 минг гектарни ташкил этди. 2004 йида эса 120 минг гектар майдонда кўкнори ўстириш эҳтимоли бор. Хомашёнинг 90 фоизи қайта ишланиб, героин олинади. Опиум ва бошқа гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш фермерларга бир миллиард доллар, уни тарқатувчиларга 1,3 миллиард доллар фойда келтирмоқда. Бу Афғонистон ЯИМнинг 52 фоизини ташкил этади. 1,7 миллион афғон гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва ташишга жалб этилган.

Мўғулистонга ҳам таклифнома юборилган. Бу давлатдан мамлакат ташқи ишлар вазири Мўғилистон Президентининг махсус вакили сифатида иштирок этади. Президентнинг ўзи эса, айрим сабабларга кўра, қатнаша олмайди.

**— Саммит кунлари Ўзбекистон ва Россия ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида ҳужжат имзоланиши кутилаяпти. Сизнингча, мазкур ҳужжат икки томон учун қандай аҳамият касб этади?**

— Гапингиз тўғри, ҳақиқатан ҳам, ШҲТ саммити олдидан Россия Президенти В. В. Путиннинг Тошкентга сафари бўйича алоҳида дастур ишлаб чиқилган. Унинг Президент Ислом Каримов билан учрашуви бўлади. Учрашувда Президентлар томонидан Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида стратегик ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланиши кутилаяпти. Президентлар топшириқларига биноан ушбу ҳужжатнинг лойиҳаси тайёрланган ва келишилган. Айтишим мумкинки, стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги шартномада Ўзбекистон — Россия муносабатларини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш ва бир вақтнинг ўзида икки томонлама муносабатларнинг барча шартномавий-ҳуқуқий базасини стратегик ўзаро ҳаракатлар руҳида янгилаш ҳамда мукаммаллаштириш учун асос яратувчи принципиал ҳолатлар қайд этилади.

**— Элчи жаноблари, Сиз Ўзбекистон — Россия муносабатларининг бугунги аҳволини қандай баҳолайсиз?**

— Икки давлат Президентлари томонидан имзоланган шартномаларга асосланган Россия—Ўзбекистон муносабатлари улкан юксалиш босқичида. Бу сиёсий мулоқот савдо-иқтисодий алоқалар, ҳарбий ва ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, инсонпарварлик ҳамда маданий соҳаларга тааллуқлидир. Рухсат берсаларингиз, Ўзбекистон — Россия муносабатларини ифодалаш учун Президент Ислом Каримовнинг 12 июнь — Россия куни муносабати билан Президент В. В. Путинга йўллаган табригида қайд этилган қуйидаги сўзларни келтиришни истардим: "Ишонаманки, — деб ёзади И. А. Каримов, — стратегик ҳамкорлик характерига эга бўлаётган икки томонлама Ўзбекистон — Россия муносабатларининг илдам ривожланиши бундан буён ҳам бизнинг мамлакатларимиз ва халқларимиз фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлаш манфаатлари йўлида хизмат қилади".

Мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш даражаси, шубҳасиз, икки томонлама муносабатларнинг ҳолати ва ривожланишини ифодаловчи кўрсаткич ҳисобланади. Ўтган йили у 27 фоизга ўсди ва бир миллиард 200 миллион долларни ташкил этди. Жорий йилда бу ўсиш тенденцияси 43 фоизга етиши кутилаяпти. Ўзбекистонга, айниқса, унинг Ёқилғи-энергетика мажмуасига Россиянинг йирик инвестициялари киритилиши режалаштирилаяпти. В. В. Путиннинг Тошкентга ташрифи пайтида икки давлат Президентлари иштирокида "ЛУКОЙЛ ОАЖ ва "Ўзбекнефтгаз" МХК ўртасида маҳсулотни тақсимлаш бўйича (сармоя ҳажми бир миллиард доллар) шартнома имзоланиши кутилмоқда. Йил охиригача "Газпром" ва "Ўзбекнефтгаз" ўртасида маҳсулотни тақсимлаш бўйича (1,4 миллиард долларлик) музокаралар тугалланиши ҳамда ҳужжатлар имзоланиши мумкин. Мен бунга қўшимча равишда, яқинда Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистон. Нефть. Газ — 2004" халқаро кўргазмасида шу соҳага ихтисослашган 21та Россия компанияси ҳам иштирок этганини таъкидлашни хоҳлардим. Хуллас, Россия газ ва нефть бизнеси вакилларининг Ўзбекистонда ишлашга қизиқиши катта.

Шу ерда Ўзбекистонда фаол иш олиб борилаётган — телекоммуникация ва транспорт алоқалари, озиқ-овқат, тўқимачилик, кимё-фармацевтика, машинасозлик, авиасозлик, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳалардаги лойиҳалар ҳақида ҳам гапириб ўтиш жоиз. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда 328 корхона Россия сармояси иштирокида ишлаяпти. Уларнинг 45 таси юз фоиз Россия инвестициялари иштирокида фаолият юритаётган бўлса, 283 таси қўшма корхоналардир.

Минтақалар ўртасидаги алоқалар ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Бу борада Москва ва Санкт-Петербург шаҳарлари, Москва, Иваново, Саратов, Свердловск вилоятлари, Татаристон ҳамда Бошқирдистон республикаларида амалга оширилаётган ишларни алоҳида эътироф этиш мумкин. Шу йилнинг ноябрь ойида Тошкентда "Россия — Ўзбекистон-2004" йирик халқаро саноат кўргазмаси бўлиб ўтади. Уни Россиянинг 19 минтақасини бирлаштириб турувчи "Сибирь Битими" ассоциацияси уюштираяпти.

Режалар ҳақиқатан ҳам кенг кўламли, энг асосийси яқин, амалда икки томон учун ҳам манфаатли алоқалар ва ҳамкорликни йўлга қўйишга Ўзбекистон ва Россия халқларида қизиқиш, икки давлат раҳбарларида сиёсий интилиш бор. Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Россия ўртасида хўжалик алоқаларини янада юқори миқёсга кўтаришга салоҳият мавжудлигини, ҳали очилмаган имкониятлар борлигини тўлиқ тушуниб турибмиз.

**Беккул ЭГАМҚУЛОВ ва Салим ДОНИЁРОВ суҳбатлашди.**

## ВОСО:
# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДАГИ ИШОНЧЛИ ШЕРИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

"Bright Oceans" корпорацияси 1988 йили ёш ишбилармон Ден Вей томонидан ташкил этилган. Ўтган давр мобайнида корпорация шаклланиш ва тадрижий ривожланиш йўлини босиб ўтди. Тадбиркор Ден Вейнинг оқилона раҳбарлиги ва ходимларнинг фидокорона меҳнати натижаси ўлароқ, дастлаб кичик тадқиқот маркази сифатида иш бошлаган "Bright Oceans" оз фурсат ичида йирик ишлаб чиқариш гигантига айланди.



Ҳозирда корпорация телекоммуникация, компьютер технологиялари, нефть-газ ресурсларини қазиб олиш соҳаларида фаолият юритмоқда. Иш самарадорлигини ошириш ва аҳоли яшаш шароитини яхшилаш мақсадида корпорация сўнгги йилларда ана шу йўналишда катта муваффақиятларга эришди.

Сўнгги уч йил ичида корпорациянинг ўртача даромади 80 фоизга ўсгани, 1997-1998 йилларда Давлат фан қўмитаси "Bright Oceans"ни Хитойдаги юқори технологияларга эга корпорация сифатида тан олгани 2002 йилда мазкур ишлаб чиқариш гиганти мамлакатнинг энг тез тараққий этаётган компаниялари рўйхатига киритилгани шундан далолат беради.

Корпорация, шунингдек, телекоммуникация тизимини бошқариш ва ахборот хавфсизлиги технологияси бўйича Хитойнинг биринчи рақамли субъектига айланган. Электромеханик магистраллар яратиш ва "3-D" рақамли кинофильм технологияси ишлаб чиқариш бўйича ҳам мамлакатда "Bright Oceans" олдига тушадигани топилмаяпти. Эътиборлиси, корпорация умумий мулкининг баҳоси 2 миллиард Хитой юанидан зиёд. Ишлаб чиқариш тизимида 2000 киши меҳнат қилмоқда.

Шу кунгача корпорацияда 10 та туркум ва 100 дан ортиқ якка интеллектуал маҳсулотлар ихтиро қилиниб, уларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бу борада компания қошида ташкил этилган илмий-тадқиқот марказлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, транспорт тизимини компьютерлаштириш институти илғор ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда транспорт хавфсизлиги бўйича лойиҳалар устида ишлаётган бўлса, Пекин, Шанхай ва Гуан Чжоу шаҳарларида жойлашган телекоммуникация институтлари мутахассислари эса соҳа технологиясини такомиллаштириш йўлида тинимсиз тадқиқот олиб боришмоқда.

Хитой саноатида ўзининг мустаҳкам ўрнини топган "Bright Oceans" корпорацияси эндиликда халқаро миқёсдаги ҳамкорликни кучайтиришга алоҳида эътибор бермоқда. Айни пайтда унинг филиал ва бўлимлари дунёнинг барча қитъаларида – Америка, Канада, Австралия, Германия, Гонконг, Ўзбекистон ва бошқа давлатларда иш юритмоқда. Шу билан бирга корпорация "IBM", "Microsoft", "HP", "Oracle", "Sun" каби компаниялар билан ҳам ўзаро манфаатли шерикчилик асосида фаолият кўрсатаётир.

Айтиш керакки, "Bright Oceans" эришаётган ютуқларда корпорациянинг асосчиси ва раҳбари Ден Вей жанобларининг ҳиссаси катта. Иқтисод фанлари доктори, ХХР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони ва мамлакатнинг энг етакчи тадбиркорларидан бири сифатида эътироф этилган Ден Вей "Bright Oceans" фаолиятини янада ривожлантириш йўлида изланиб, меҳнат қилмоқда. Унинг фикрича, Ватан равнақи фан-таълимни ривожлантиришга боғлиқ. Бу йўлда маблағ ҳамда кўмак бериш ҳар бир ишбилармоннинг фуқаролик ва фарзандлик бурчидир. Сўзи билан иши бир тадбиркор эса ёшларни қўллаб-қувватлаш ва ўқув муассасаларини замонавий технологиялар билан таъминлашга катта миқдорда молиявий маблағ ажратмоқда.

"Bright Oceans" раҳбариятининг Ўзбекистонда ҳам ўз фаолиятини тобора жонлантираётгани эътиборга лойиқдир. Ёдингизда бўлса, 1995 йили корпорация билан ҳамкорликда мамлакатимиз ҳудудида газ ўлчагичларни ишлаб чиқариш, йиғиш, сотиш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган "Сувжиҳозгаз" Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси ташкил қилинганди. Бу қўшма корхона ҳозир газ ўлчагичлар ишлаб чиқариш бўйича биринчилик мавқеини сақлаб келмоқда.

2002-2003 йиллар мобайнида "Bright Oceans" корпорацияси "Машимпекс" билан биргаликда Хитой ҳукумати томонидан Ўзбекистонга берилган имтиёзли кредит доирасида умумий қиймати 100 миллион юанлик газ ўлчагичлари етказиб берди. Пекин томонидан мамлакатимизга тақдим этилган фоизсиз кредит бўйича эса 30 миллион юанлик буюртмани муваффақиятли бажарди. Буларнинг барчаси икки мамлакат савдо-иқтисодий алоқаларини ривожлантириш баробарида, Хитой ва Ўзбекистон халқи ўртасидаги дўстликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Корпорация президенти Ден Вей жаноблари мамлакатимиз телевидениесига берган интервьюсида икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги босқичига юқори баҳо бериб, "Bright Oceans" ходимлари Ўзбекистон — Хитой иқтисодий-савдо алоқаларини ривожлантириш йўлида янада кўпроқ ва яхшироқ ишлашларини таъкидлаб ўтди. Хитойлик ишбилармон, шунингдек, замонавий ахборот технологиялари янги минг йилликда жамият ривожини белгиловчи муҳим омил бўлиб қолаётганига эътибор қаратаркан, келгусида корпорация бу борада ҳам ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш ниятида эканини билдирди.

**С. ЁҚУБОВ.**

*«Қарширадиатор» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонаси қишлоқ хўжалиги техникаси учун радиаторлар ишлаб чиқаради. Тайёрланаётган маҳсулотлар сифатлилиги ва рақобатбардошлилиги боис уларга талаб ошиб бормоқда. Айни пайтда радиаторларга республикамизнинг барча вилоятларидан буюртмалар мавжуд. Корхона жамоаси уларни ўз вақтида бажариб келмоқда.*



**СУРАТДА:** ишчи Раҳматилла Сувонқулов тайёр радиаторларни назоратдан ўтказяпти.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

## *Мириқиб дам олишади*

**Олтинкўл туманида очилган «Навбаҳор» болалар оромгоҳи дастлабки дам олувчиларни ўз бағрига олди. Бутун ёз давомида бу ерда 750 нафар ўқувчи ҳордиқ чиқаради, деб хабар беради «Туркистон-пресс» мухбири.**

**Вилоят касаба уюшмалари кенгаши раисининг ўринбосари Ғайрат Содиқовнинг таъкидлашича, молиявий қийинчилик туфайли икки йилдан буён ўз фаолиятини тўхтатиб қўйган «Нефтчи» ёзги оромгоҳи ҳам очилди. Дастлабки сменада бу оромгоҳда газчилар ва нефтчиларнинг саксон нафар фарзанди мириқиб дам олаяпти.**

## *Хусусийлаштириш:*
# ДАСТУРЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНМОҚДА

***«Халқ сўзи» газетасининг шу йил 30 март сонида «Хусусийлаштиришдаги сусткашлик» сарлавҳали танқидий-таҳлилий мақола эълон қилинган эди. Унда Президентимизнинг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган тегишли дастурларни бажариш борасида Фарғона вилоятида сусткашликка йўл қўйилаётганлиги танқид қилинганди. Хўш, ўтган вақт ичида мақолада тилга олинган камчиликларни бартараф қилиш, муаммоларни ҳал этиш бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Бу ҳақда республика Давлат мулки қўмитаси вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Ҳошимжон ҲАЙДАРОВ мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:***

— Шуни таъкидлаш керакки, мақола эълон қилингандан сўнг Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш вилоят ҳудудий бошқармаси иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш,хорижий инвесторларни жалб қилиш, кичик ва хусусий бизнесни ҳамда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича белгиланган Давлат дастурлари ижросини таъминлаш юзасидан кўпгина ишларни амалга оширди, — деди Ҳошимжон Ўринбоевич. — Хусусан, 2004 йилнинг дастлабки чорагида давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг барча манбаларидан 502,4 млн. сўм маблағ туширилиши белгиланган бўлса, амалда бу кўрсаткич 555,4 млн. сўмни ташкил этди. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2 баравар кўпдир.

Бундан ташқари, 1-чоракда дастурда белгиланганидан 2 та кўп — 32 та корхона ва объект хусусийлаштирилди. Шулардан 22 таси ҳукумат қарорига кирган корхоналар бўлиб, уларни хусусийлаштиришдан 69,1 млн. сўм ўрнига 80,2 млн. сўм маблағ туширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастурларининг амалга оширилишини, хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларига кўра, шунингдек, 51 та корхона ва объект тўла баҳоланди. Шу корхоналардан 48 таси давлат тасарруфидан чиқарилиб, битта акциядорлик жамияти савдога қўйилди. Яна бир корхонанинг давлат активлари савдога қўйиш масаласи кўриляпти, шунча корхонанинг давлат активлари эса қайта баҳоланяпти.

Қолаверса, 2003 йил мобайнида вилоят ҳудудидаги 4 та лойиҳа институти, 27 та қурилиш-пудрат ташкилоти, 17 та қурилиш индустрияси корхонасидан 24 таси давлат тасарруфидан чиқарилган бўлса, шу йилнинг уч ойи ичида 12 та қурилиш-пудрат ташкилоти, 3 та қурилиш индустрияси корхонаси давлат тасарруфидан чиқарилиб хусусийлаштирилди.

### Мавзуга қайтиб

Ҳукуматимизнинг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларини хусусийлаштиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори талабларини бажариш юзасидан ҳам муайян тадбирлар рўёбга чиқарилмоқда. Аввало, қарорнинг туб моҳияти матбуот ва телевидение орқали оммага тушунтирилди. Вилоят иқтисодий ночор корхоналар ишлари бошқармаси билан ҳамкорликда паст рентабелли, иқтисодий ночор корхоналар муфассал ўрганилиб, тегишли маълумотлар тўпланди. Республика давлат танлов комиссиясининг қарорига кўра, 6 та паст ликвидли объектлар рўйхати тузилди. Олтиариқ туманидаги «Бўрбалиқ», Сўх туманидаги Охунбобоев номли қишлоқ участка шифохоналари, Марғилон шаҳридаги «Ёрқин» ва «Шалола», Қувасой шаҳридаги «Ширинтой» ҳамда Сўх туманидаги «Роҳат» болалар боғчалари инвестиция киритиш шарти билан рамзий баҳода сотишга қарор қилиниб, танлов савдоларига қўйилди. Жумладан, ҳудудий танлов комиссиясининг шу йил февраль ойида ўтказилган савдосида Қувасой шаҳрида яшовчи Ф. Саидова 45,6 млн. сўм инвестиция киритиш шарти билан «Ширинтой» болалар боғчасини рамзий баҳода сотиб олди.

Айни чоғда узоқ вақт мобайнида «Кимошди» савдоларида сотилмай турган 33 та объектнинг 12 таси биржа савдоларида босқичма-босқич нархни пасайтириш тартибида сотилди.

Қарорга асосан, акциялар пакетлари баҳосини ҳам босқичма-босқич пасайтириб сотиш, акциядорлик жамиятларининг акциялари савдосини ташкил этишга ҳам катта аҳамият берилаяпти. Бир мисол. Жорий йилнинг дастлабки чорагида 367,5 млн. сўмлик акция сотилиши белгиланган эди. Шундан 255,6 млн. сўмлиги эркин сотувга чиқарилиб, 111,9 млн. сўмлиги чет эл инвесторларига ажратилганди. Амалда эса 33 та акциядорлик жамиятининг 417,4 млн. сўмлик акциялари сотилди. Бу режага нисбатан 113,6 фоизни ташкил этади.

Бироқ айрим акциядорлик жамиятлари ва бирлашмаларнинг раҳбарлари бу ишга етарли даражада эътибор беришмаяпти. Оқибатда вилоят МТП бирлашмаси ва унинг таркибига кирувчи 7 та акциядорлик жамияти, «Фарғонасувқурилишиндустрия», «Фарғонавилоятэнергомарказ», «Бешариқбалиқ» каби жамиятларда чорак давомида бирор сўмлик акция сотилмади.

Шу ўринда яна бир муҳим соҳага тўхталиб ўтиш жоиз. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозларнинг иккиламчи бозорини янада ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши ўз навбатида қимматли қоғозларнинг фонд биржаси орқали сотилишига ижобий таъсир кўрсатди. Хусусан, вилоятнинг акциядорлик жамиятлари томонидан чиқарилган акцияларнинг иккиламчи бозоридаги айланиши 2003 йилда 658,5 млн. сўмни ташкил этди. Бу 2002 йилдагига нисбатан 360,4 млн. сўм кўп, демакдир.

Чет эл инвесторлари билан акция пакетлари ва яхлит объектларни сотиш бўйича олди-сотди шартномаларини тузиш, уни амалга ошириш масалалари ҳам ҳукумат қарорларига мувофиқ бажарилаётир. Масалан, Фурқат туманидаги «Ишонч» акциядорлик жамиятида инвестор ўзининг 5454,0 минг АҚШ долларилик мажбуриятини 6725,0 минг АҚШ доллари миқдорида адо этди. Қўқон ёғмой акциядорлик жамиятида 232,3 минг АҚШ доллари, «Бўстонпарранда», «Қуватаъмирлаштехника» акциядорлик жамиятларида 129,2 млн. сўм миқдорида маблағ киритиш борасидаги мажбуриятлар ҳам уддаланди. 2004 йилнинг биринчи чораги давомида, шунингдек, чет эл ва маҳаллий инвесторлар томонидан «Алишер Навоий», «Фарғонапойабзал» акциядорлик жамиятларида қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун 448 млн. сўмлик инвестициялар жалб этилди.

Шу билан бирга, вилоятда кичик ва хусусий бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 4975,0 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Ана шу маблағнинг 96,4 фоизи тижорат банкларига тегишли бўлса, қолган 179,0 млн. сўми бюджетдан ташқари фондлар маблағларидир. Фақат шугина эмас. Ўтган уч ой мобайнида тадбиркорларга режадаги 2220,0 млн. сўмлик ўрнига 4030,9 млн. сўмлик материал-техник ресурслар етказиб берилди. Фарғона товар-хомашё биржаси савдоларида эса уларнинг 2268,0 млн. сўмлик маҳсулотлари сотилиши таъминланди.

Аммо эришилган ютуқлар баробарида айрим камчиликлар ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, ҳозирги кунда шаҳар ва туман ҳокимликларида хусусий объектларни қуриш учун ер майдонлари ва Ер кодексига асосан, якка тартибда уй-жой қуриш, деҳқон хўжалиги юритиш учун ер майдонларини «Кимошди» савдоларига чиқариш билан шуғулланувчи алоҳида масъул шахс йўқ. Бу вазифа турли органлар томонидан бажариляпти. Натижада ер ажратиш ва сотиш масалалари оқсаб қолаётир. Ана шу ишга шаҳар ва туман ҳокимликларида масъул шахслар бириктирилса, айни муддао бўларди.

**«Халқ сўзи» мухбири Набижон СОБИР суҳбатлашди.**



# Бехатар оналик — баркамол авлод омили

***Кейинги йилларда оммавий ахборот воситаларида, тиббиёт ходимлари орасида “Бехатар оналик” деган ибора тез-тез учрайдиган бўлиб қолди. Унинг маъно-моҳиятини тушунмаган кишиларда нега “Бехатар оналик” деган савол туғилиши табиий.***

***Тиббиёт фанлари доктори, профессор Тўхтахон Муҳиддинова, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар фонди ЮНЕСКОнинг Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон бўйича маслаҳатчиси Нуне Мангасарян, Тошкент шаҳар перинатал маркази директори Майрам Содиқова, Республика Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бошқарма бошлиғи Нурия Туреева, ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси бошлиғи Бренда Виго, Андижон шаҳридаги 3-туғуруқхона бош шифокори Саодат Аҳмаджонова мана шу ҳақда мулоқот олиб бордилар.***

## *Бизнинг мусоҳаба*

**Т. Муҳиддинова:**

— Биз бундан ўн-ўн беш йил муқаддам аёлларнинг ҳомиладорлик даврида, туғуруқ жараёнида уларга яхшилик қиламиз, деб она ва боланинг соғлиғига, ҳаётига хавф солганимизни ўзимиз ҳам билмаган эканмиз. Ҳомиладор аёлни ҳар гал текширувдан ўтказган шифокор, албатта, дори-дармонлар тавсия этарди. Вақти соати етиб туғуруқхонага дард тутиб келган аёл учун кетма-кет муолажаю уколлар қилиш бошланарди. Шифокорларнинг бундай ваҳималаридан баъзан аёлнинг тўлғоқ дарди ҳам қочиб кетарди, натижада унга яна дори-дармон қўлланиларди. Кўп йиллар давомида мана шу тартибларга риоя қилинди.

**С. Аҳмаджонова:**

— Чақалоқлар дунёга келиши билан бошланадиган муолажаларчи?

Туғруқ залига таклиф этилган неонатолог шифокор 5-6 хил дорини тайёрлаб турарди. Ҳар эҳтимолга қарши деб, чақалоқ учраб қолиши мумкин бўлган асоратли ҳолатларнинг олдини олиш учун ёруғ дунёга эндигина келган вужудга кимёвий дорилар юборилларди.

**Н. Туреева:**

— Чунки узоқ йиллар давомида тиббиётда аёлнинг ҳомиладорлик даврига табиий физиологик жараён деб эмас, балки касаллик деб қараб келинди. Шунинг учун унга худди беморга қарагандай муносабатда бўлинди ва энг ачинарлиси, ҳомиладор аёлнинг ҳолати, саломатлиги, вужуди учун керак-нокераклиги ҳақида ўйлаб ҳам ўтирмай, унга турли дори-дармонлар тавсия этилди, қўлланилди. Ана ундан кейин кутилмаган асоратлар, нохуш ҳоллар юз берган пайтлар оз эмас. Республикамиз мустақилликка эришгандан кейин энг катта ўзгариш, имкониятлардан бири — тиббиётимизда ҳам замонавий технология ва усулларни қўллашга ҳар томонлама йўл очилди. 2000 йилдан бошлаб Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг “Бехатар оналик” дастурини жорий этиш учун айрим туғуруқхоналар танлаб олинди.

**Нуне Мангасарян:**

— Бир пайтнинг ўзида Ўрта Осиёнинг бошқа республикалари ва Қозоғистонда ҳам айрим туғуруқхоналар бу дастур асосида ишлай бошлаганди. Ўтган йиллар тажрибаси, эришилган натижалар Ўзбекистонда бу дастур яхши жорий этилаётганини кўрсатди.

**М. Содиқова:**

— Дастур бўйича ишлаганда, биз энг аввало бўлажак онага, унинг яқинларига ҳомиладорлик ва туғуруқ табиий физиологик жараён эканини, унинг қандай кечишини тушунтирамиз. Аёл имкон қадар осойишта бўлиши керак. Чунки статистик маълумотларга қараганда, ҳомиладорлик 85 фоиз аёлларда меъёрида, асоратсиз кечаркан. Уларга ҳеч қандай дори-дармоннинг кераги йўқ. Фақат 15 фоиз аёлларда асоратли бўлиши мумкин, биз уларни топа билишимиз, алоҳида эътибор қаратишимиз ва улар ҳам боласини имкон қадар бағрига асоратсиз босиб олишига ёрдам беришимиз керак.

**Т. Муҳиддинова:**

— Туғуруқхонага дард билан келган онани ҳаяжонга солиши мумкин бўлган барча омилларни истисно этдик. Тиббий ходимларнинг муомала-муносабатидан тортиб, хоналардаги вазиятгача аёлни тинчлантирадиган, уй шароитига яқин бўлиши керак. Ҳар эҳтимолга қарши қўлланиладиган тиббий муолажаларга чек қўйилди. “Бехатар оналик” дастурида ҳамкор туғуруққа — аёлнинг ўзи хоҳлаган яқин кишиси ёнида бўлишига муҳим аҳамият берилади.

**С. Аҳмаджонова:**

— Мен буни оддий ҳолат билан таққосламоқчиман. Кимдир қаеридир оғриётганидан шикоят қилса, ёнидаги шеригининг ҳамдардлиги, икки оғиз ширин сўзи унинг дардини енгиллаштиради. Туғуруқ жараёнида эса инчунун, яқин кишисининг ёнида бўлиши, унинг кўнглини кўтариш, ўзи икки дунё ўртасида турган аёлга қанчалар қувват, руҳий бардамлик бағишлашини кўриб турибмиз.

**Н. Туреева:**

— Илгари нафақат аёлларнинг, балки чақалоқларнинг жўровозликда туғуруқхонани бошларига кўтариб йиғлаб ётишлариниям табиий ҳол деб билардик. Чунки дунёга келган соатлардаёқ онасидан ажратиб олиниб, икки-уч кунгача, айрим ҳолатларда тўрт-беш кунлаб онасига берилмай, аёллардан соғиб олинган донор сутлар билан боқиладиган гўдаклар жадвалга қараб озиқлантириларди. Бу вақтнинг ичида қанчадан-қанча аёлларнинг кўкрагига сут йиғилиб, мастит касаллигига учраган, сути қайтиб кетиш ҳоллариям кам эмасди...

**М. Содиқова:**

— Болажонлар эса ўша пайтларда мунтазам қорни тўймаганидан, тўққиз ой давомида бир тан, бир жон бўлган она вужуди, ҳарорати, юрак уришидан бирданига ажралиб қолганига кўниколмай йиғлаб ётганликлари ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Энди эса, дастур бўйича, бола туғилиши билан 15-20 дақиқа ичида онанинг қорнига қўйилади. Ёруғ оламга ҳозиргина келган чақалоқнинг илоҳий бир сезги билан она кўкси томон интилишини, кўкракни топиб келиб, эмишга бошлашини кўрсангиз... Шу лаҳзаларда гўёки аёлнинг ўзи ҳам барча тортган азоб, дардларни унутади. Шу лаҳзадан бошлаб она ва бола бир-биридан ажратилмайди, бола кечаю кундуз истаган пайтида онасини эмиши мумкинлиги “Бехатар оналик” тамойилларидан бири. Қолаверса, илмий кузатувлар кўрсатдики, аёл туғруқдан сўнг қанчалар руҳий осойишта бўлса, фарзандини эмизиб турса, унинг жароҳатлари шунча тез тузаларкан.

**Бренда хоним:**

— Ўзбекистонда оналар ва болалар саломатлик кўрсаткичлари ижобий томонга ўзгариб, оналар ва болалар ўлими камайиб бораётганидан хурсандмиз. Ўтган йилнинг сентябрь ойида Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги чиқарган буйруққа биноан энди мамлакатнинг барча туғруқхоналари, тууғруқ комплекслари мана шу дастур асосида ишламоқда. Уни амалга оширувчи тиббиёт ходимларининг билими, малакаси, тушунчаси, тажрибаларини ошириш учун ҳамкорликда семинарлар, ўқув машғулотлари ўтказдик. Ваколатхонамиз ҳозирда тайёрлаб қўйган, яқинда тасдиқланиши режалаштирилган ҳужжат ҳам айни шу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш, ривожлантиришга қаратилган.

**Нуне Мангасарян:**

— “Бехатар оналик” дастурини амалиётга татбиқ этишда Ўзбекистоннинг тажриба таянч туғуруқхоналари жуда ибратли, қувонарли натижаларга эришди. Ўзбекистондаги муваффақиятларнинг муҳим омиллари бор. Аввало, республикада оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш, ўлимини камайтириш масаласи давлат ички сиёсатининг асосий йўналишларидан бирига айланган. Мазкур дастур ҳам умумдавлат, умуммиллат миқёсида қабул қилинди. Яна бир муҳим омил — тиббиёт ходимларининг ўз ишига фидойилиги, садоқати. Бу дастур имкон қадар кам дори-дармон ишлатиб, ширин сўз, меҳру муҳаббат, хушёрлик, билимдонлик, табиий йўл билан икки инсонга бехатар оналик ва болалик саодатини бахш этишдан иборат. Шуни ҳис қилдимки, аксарият тиббиёт ходимлари фақат ўз иш жойларидагина намунали ишлаб қолмай, умуман барча она ва болаларга яхши бўлишини кўзлаб фаолият кўрсатаяптилар. Яқинда қўшни республикалар доирасида ўқув-амалий машғулотлари ўтказдик. Улар бу ердаги тажрибалар, эришилган натижаларни кўриб ҳайратларини яширмадилар.

**Бренда хоним:**

— Ўйлайманки, дастурнинг республикадаги барча туғуруқхоналарга татбиқ этилиши Ўзбекистон ҳукумати изчил сиёсатининг амалга ошишида муҳим қадам бўлади.

**Суҳбатни Муҳтарама УЛУҒОВА ёзиб олди.**



## Вобасталик

Акушер-гинеколог ва педиатр... Ҳомиладор аёллар ва болалар шифокори... Уларнинг бири янги меҳмон — зурриёдимизнинг бу ёруғ оламга келиб, кўз очишига сабабчи бўлади. Иккинчиси мурғаккина чақалоқнинг соғ-саломат камолга етишида посбонлик қилади.

Фотомухбир Даврон Аҳмад олган бу суратдаги хушрўй шифокорларга ҳар бир оиланинг “иши тушса” деймиз. Боиси улар Тошкент шаҳар перинатал марказининг жонкуяр, қўли енгил шифокорлари. Иккинчи акушерлик бўлими мудири Гулнорахон Раҳимова (чапда) ва болаларни жонлантириш бўлими педиатри Гулойимхон Қодировалар қанчадан-қанча болажонларнинг туғилишига доялик қилиб, она-боланинг соғлиғини тиклаб, уларни оиласи бағрига кузатиб қолишади. Неча-неча оилаларнинг фарзанд кўриб, бағри бутун бўлишида акушер-гинеколог ва педиатр вобасталиги, бу шифокорларнинг меҳнати беқиёс. Зеро, уларнинг бахти ҳам шунда бўлса керак.




***«Бу ерда уруш фахрийси яшайди» деган ёзув битилган эшикдаги қўнғироқ тугмачасини босганлар узоқ кутиб қолишмади. Оппоқ сочли отахон меҳмонларни ичкарига чорлади.***

# Отахоннинг қувонч ёшлари

Ҳамма билан бир-бир сўрашган отахон ўзини тутолмади. Кўзларида меҳр ёшлари кўринди. Ким билсин, бу лаҳзада унинг кўнглидан нелар кечди экан? Эҳтимол, хаёллар тизгини қирчиллама йигитлик пайтига етаклагандир ёки яқингинада ёнида юрган тенгдошларининг ҳозир ҳаёт эмаслигидан дили ўксигандир.

Мўъжазгина ҳовлисига қадам қўйганларга қараб дастлаб «келдингларми» дея олди у. Бу сўзда меҳр бор эди, шукроналик зоҳир эди.

Самарқанднинг кўҳна шаҳрида истиқомат қилувчи 82 ёшли Субҳон Мухторов совға-салом олиб келганларни шундай қарши олади. Кўнгли тундаги ойдек ёришди. Беғубор қалби ёш боладек қувонди.

— Биз, қарияларга эътибор қаратаётган ҳукуматимизга, Президентимизга раҳмат, — деди отахон кўзларидаги миннатдорлик ёшларини яширолмай. — Мурувватли инсонлар байрамлардагина эмас, бошқа пайтларда ҳам йўқлаб туришибди.

— Уруш қатнашчилари, уларга тенглаштирилган фуқаролар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга ёрдам кўрсатиш одатий ҳолга айланган, — дейди вилоят Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг бошлиғи Фахриддин Фазлиев. — Вазирлар Маҳкамасининг «Меҳр ва мурувват йили дастури тўғрисида»ги қароридан сўнг бу борадаги саъй-ҳаракатлар янада кучайтирилди. Масалан, Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларида рўйхатда турган уруш қатнашчилари ва ногиронларга моддий ёрдам кўрсатиш чора-тадбирларини белгилаб олгандик. Ана шу асосда 3322 нафар шундай инсонларга 59 миллион 796 минг сўм моддий ёрдам кўрсатилди. 3505 кишига 52 миллион 575 минг сўмлик кийим-кечак етказиб берилди.

Вилоятда ногиронларнинг техник воситаларга бўлган эҳтиёжлари ўз вақтида аниқланиб борилаяпти. Ўтган йилнинг ўзида бу борада 177 нафар муҳтож ногироннинг эҳтиёжи қондирилганди.

Айтиш жоизки, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига ёрдам кўрсатиш, боқувчисини йўқотган оилалар уй-жойини таъмирлаб бериш меҳр-мурувватли халқимизга хос бўлган одатлардан.

**Абдурасул САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

## *Муносабат*

***Президентимизнинг “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан танишар эканман, уни идрок қилган ҳар бир аёл кечмишини тасаввур қилгим, мамнунлигимни изҳор этгим келди.***

***Яхши биламизки, эркин демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонда аёлларнинг оила, жамият ва давлат қурилишидаги нуфузи, барча соҳадаги ҳақ-ҳуқуқлари қонунларимиз орқали кафолатланган. Конституциямизда ҳам хотин-қизларнинг барча соҳаларда тенг эканлиги эътироф этилган. Ҳукумат томонидан чиқарилаётган фармойиш ва қарорларда аёл, оила, фарзанд манфаати ҳамиша устувор бўлиб келмоқда. Бу саъй-ҳаракатлар аёлларнинг фаоллиги ва ҳаётга муносабатида ўз ифодасини топаяпти. Хуллас, бугун жамият тараққиётини хотин-қизлар иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.***

# Аёл иқболи ва салтанати

Маълумки, 1995 йилда “Ўзбекистон Республикасининг давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармон эълон қилингач, уларнинг ижтимоий ҳаётдаги роли, айниқса, бола тарбияси борасидаги ўрни янада ошди. Бугун хотин-қизларнинг барча соҳалардаги ютуқларини шу Фармоннинг амалдаги ижроси десак бўлади. Қолаверса, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муҳим Конвенцияси — “Аёллар камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида”ги ҳужжатни ратификация этган ва бу билан аёллар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни зиммасига олган эди. Юқорида зикр этилган икки ҳужжатнинг амалга оширилиши, албатта, маълумқ чора-тадбирлар бўлишини назарда тутади. Бизда ана шу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилди, дастурлар ишлаб чиқилди.

Аввало, шуни таъкидлаш керакки,республикамизда хотин-қизлар қонунан жамият бошқаруви тизимига киритилган, уларни қўллаб-қувватловчи, фаолиятини мувофиқлаштирувчи бир қатор қонунчилик идоралари иш олиб бормоқда. Булар қаторига парламентимиздаги оила ва аёллар муаммолари бўйича комиссияни, Олий Мажлисдаги Инсон ҳуқуқлари бўйича вакил — Омбудсман институтини, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказни, “Оила” марказлари каби қатор муассасаларни киритиш мумкин. Энг муҳими – хотин-қизлар масалалари билан шуғулланувчи Бош Вазир ўринбосари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари лавозимларининг киритилганлиги ана шу ҳаракат дастурининг амалдаги ижроси бўлди.

Халқимиз эркин фуқаролик жамияти қуриш ишига астойдил киришди. Бу жамиятда ҳар бир ижтимоий қатлам, гуруҳ манфаатлари қонун асосида тенг ҳимоя этилади ва бу ҳолат ўша жамият аъзоларининг фаоллигига, ҳаёт меъёрлари, қонунларга итоаткорлигига боғлиқ. Бироқ, назаримда, бугунги кунда бу йўналишда ишлаб чиқилаётган кўпгина қонун ҳужжатларини биз ўзимиз – хотин-қизлар тўла англаб етмаяпмиз, ўзгаришлар рўй берди. Бу Халқаро Болалар ташкилоти бўлган ЮНИСЕФ томонидан ҳам эътироф қилинди. Лекин фуқаролик жамиятида ҳеч бир инсон тақдирига бефарқ қараб бўлмайди. Демак, “Кучли давлатдан — кучли жамиятга» ўтиш шароитида жамоатчилик ташкилотларининг андишали, ўз дардини яқин қўшниси ёки қариндошидан бошқага айтишдан ийманадиган хотин-қизларга берадиган кўмагига эҳтиёж ортади.

Бугун маҳалладаги бирор-бир тадбир, мамлакат миқёсидаги ижтимоий ҳодиса аёлларни четлаб ўтмайди. Муҳими — бунда уларнинг иштирокини ташкил этиш, шу орқали хотин-қизларнинг касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятларини янада юксалтириш лозим.

Юқорида зикр этилган хотин-қизлар қўмитаси ҳақидаги Фармон, табиийки, жамиятнинг барча қатламларида хотин-қизлар фаоллигини таъминлашга хизмат қилади. Зеро, умуммиллий сиёсатнинг маъноси – хотин-қизларни ижтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга қаратилган давлат сиёсатини умумжамият ишига айлантириш демакдир.

Албатта, хотин-қизлар қўмитаси унинг жойлардаги қуйи ташкилотлари зиммасида имтиёзлар билан бирга катта масъулият ҳам бор. Фармонда қайд қилинган умуммиллий аҳамиятга молик ишларга йўналтириш учун бизга бугун стратегик режалар, Миллий дастур, Концепция ва бошқа муҳим ҳужжатлар керак. Лекин асосий гап мавжуд имконият ва имтиёзлардан тўғри, оқилона фойдалана олишдадир.

Бир сўз билан айтганда, ушбу Фармон мамлакатимизда хотин-қизларнинг давлат ва жамият қурилишидаги фаоллигини ошириш, юртимиз равнақи, фарзандларимиз камоли йўлидаги шаҳдам қадами бўлиб қолаверади.

**Васила КАРИМОВА, Республика “Оила” илмий-амалий маркази директори, психология фанлари доктори, профессор.**

Чоғи. Чунки аёллар ҳақ-ҳуқуқи поймол бўлган ҳолларда қаерга мурожаат қилишни билишмайди. Мурожаат қилса хўп-хўп, аммо умуман ҳеч қандай давлат ёки жамоат муассасасига мурожаат қилмай, ўз дарду ташвиши билан “қовурилиб” юрганлар ҳам йўқ эмас.

Албатта, мустақиллик йилларида катта ижобий

## *Хавфсизликни таъминлаш учун*

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси ва Мудофаа вазирлигига АҚШ ҳукуматининг ёрдами — 6 миллион 90 минг АҚШ доллари миқдоридаги техника воситалари топширилди.**

**Мазкур ускуналар АҚШ давлат департаменти томонидан молиялаштирилаётган гиёҳванд моддаларни ва уларнинг тўғри қўлланишини назорат қилишга кўмаклашиш, экспорт назорати ва чегаралар хавфсизлиги ҳамда гиёҳванд моддаларга қарши кураш дастурлари доирасида тақдим этилди.**

**А. АЗИМОВ, «Туркистон-пресс».**



*Музработ туманидаги А. Набиев номли ширкат хўжалигида ғўза парвариши қизғин паллага кирди. Айниқса, Парда Сариев бош пудратчи бўлган далалардаги ниҳоллар агротехника қоидалари асосида парвариш қилинаётганлиги, обитобида суғорилаётганлиги боис дуркун ривожланмоқда. Пудратчилар 291 гектар майдонда ғўза ўстириб, ҳар гектар ердан 40 центнердан ҳосил етиштириш учун меҳнат қилишаяпти.*

**СУРАТДА: ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Саттор Шерматов пудратчи Камол Норбеков билан ғўза парвариши тўғрисида суҳбатлашмоқда.**

**Нурмамат АЛМУРОДОВ олган сурат.**

Хабарлар оқимидан

## *«Маҳалла дорилфунуни» хизматда*

Жиззах вилояти адлия бошқармаси қошида қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари, маҳалла фаолларининг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида доимий ўқув курслари ташкил этилган.

Яқинда "Маҳалла дорилфунуни" деб ном олган ушбу машғулотлар Жиззах шаҳридаги "Олмазор" ва Арнасой туманидаги "Зарафшон" фуқаролар йиғинида бўлиб, унда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенати тўғрисидаги қонунлар борасида тушунтиришлар берилди.

**Б. САТТОРОВ, "Халқ сўзи" мухбири.**

## *Немис шифокорлари Самарқандда*

Германиянинг "Фриедендорф интернешнл" халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Р. Гегенфуртнер бошчилигидаги бир гуруҳ немис шифокорлари Самарқандга келишди.

Эътироф этиш керакки, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси билан ҳамкорлик қилиб келаётган ушбу ташкилотнинг ёрдамида ўзбекистонлик бир неча ногирон болалар Германиянинг энг машҳур шифохоналарида даволаниб қайтдилар.

Хорижлик мутахассислар болалар илмий-амалий марказида ҳам бўлиб 35 нафар бемор болани тиббий кўрикдан ўтказдилар. Уларнинг уч нафари Германия шифохоналарида даволанадиган бўлди.

**Ўз мухбиримиз.**



## «Почта маркалари — Олимпиада ўйинларига!»

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Афинада бўлиб ўтадиган XXVIII ёзги Олимпиада ўйинларига бағишлаб «Ўзбекистон маркаси» АЖ томонидан ишлаб чиқарилган янги почта маркаларини муомалага киритди.

Филателистлар ва почта муомаласи учун бир неча минг нусхада чиқарилган ушбу маркалар Олимпиада ўйинларида Ватанимизнинг шаънини ҳимоя қиладиган спортчиларимизни маънавий жиҳатдан руҳлантиришга ёрдам беради.


«ТРУБНАЯ МЕТАЛЛУРГИЧЕСКАЯ КОМПАНИЯ» (Российская Федерация)

ОАО «УЗКОММУНМАШТАЪМИНОТ»

предлагает к реализации стальные трубы со склада в г.Ташкенте по нижеуказанным отпускным ценам.

Завод-изготовитель – «Северский трубный завод» (г.Полевской, Свердловская обл.)

| Диаметры труб (мм) | Цена за 1 тонну (без НДС) сум. Цены действительны до 30.06.2004 г. при предоплате 100% |
|---|---|
| **ТРУБЫ ВОДОГАЗОПРОВОДНЫЕ ГОСТ 3262-75:** | |
| ДУ 15х2,8 мм | 780000 |
| ДУ 20х2,8 мм | 780000 |
| ДУ 25х3,2 мм | 770000 |
| ДУ 50х3,5 мм | 765000 |
| ДУ 65х4,0 мм | 760000 |
| ДУ 80х3,5 мм | 760000 |
| ДУ 100х4,0-5,0 мм | 760000 |
| **ТРУБЫ ЭЛЕКТРОСВАРНЫЕ ГОСТ 10704-91; 10705-80:** | |
| 76х3,5 мм | 760000 |
| 89х4,0-5,0 мм | 760000 |
| 108х3,5-5,0 мм | 760000 |



Кроме того, под заказ поставляем металлические трубы любого диаметра и назначения с трубных заводов, входящих в состав «Трубной металлургической компании» (Россия):

- Волжский трубный завод (г.Волжский, Волгоградская область);
- Северский трубный завод (г.Полевской, Свердловская область);
- Синарский трубный завод (г.Каменск-Уральский, Свердловская область);
- Таганрогский металлургический завод (г.Таганрог, Ростовская область).

Контактные телефоны: 132-20-56, 134-05-75, 134-07-94, факс 132-20-56.
E-mail: uzkommasht@tkt.uz
Адрес: 700035, г.Ташкент, ул.Ниёзбек йули, 1, 7-й этаж, здание института «Узбеккоммуналлойиха».



Корхона шина маҳсулотларини таклиф этади

ШИНА

- ЮК МАШИНАЛАР УЧУН
- АВТОБУСЛАР УЧУН
- ТРАКТОРЛАР УЧУН
- ЕНГИЛ МАШИНАЛАР УЧУН

Улгуржи нархларда.



ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 137-10-14, 137-47-78, 137-47-31, (3732), 24-77-84, 24-71-68.

Маҳсулот сертификатланган.



Корхона қурилиш молларини таклиф этади

Улгуржи нархларда.

Линолеум — Россия, эни 1,5 м., 2 м.

Гулқоғоз (ОБОИ) — Россия, Беларусь, ҳар хил кўринишларда

Ламинат — Германия HDM корхонасида ишлаб чиқарилган

ва бошқа қурилиш материаллари.

ТЕЛЕФОНЛАР: (371) 136-17-12, 68-53-43, 137-48-76, (3732) 24-82-00, 24-92-74.

Маҳсулот сертификатланган.



ESENYA қурилиш-инжиниринг фирмаси

ESENYA Bau- und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland

# БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

«Оналар ва болалар йили» ва «Соғлом авлод учун» давлат дастурларида белгиланган вазифаларни бажара бориб, фирмамиз «Болаларга меҳр билан» дастурини тайёрлади. Дастур доирасида болалар учун катта спорт ҳамда соғломлаштириш мажмуалари, сув ҳавзалари, кўнгилочар боғлар лойиҳалари яратилди.

Ўтган «Маҳалла йили»да биз «Менинг уйим — менинг маҳаллам» дастурини тайёрладик. Мазкур дастур узвий равишда болаларни соғломлаштириш ва жисмоний ривожлантиришга қаратилган «Болаларга меҳр билан» умумий дастурига кирди. Ушбу дастур бўйича 12 та ўйин тизими ва болалар майдончаси лойиҳалари ишлаб чиқилган бўлиб, биз уларни маҳаллалар, кўпқаватли уйларнинг ҳовлилари, боғлар, «Меҳрибонлик уйлари», мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларида жойлаштиришни тавсия этамиз.

























Бу йил — Меҳр ва мурувват йили. Йил бўйи биз кўп болали, кам таъминланган оилалар,қариялар ва ногирон бўлиб қолганларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш учун қатор тадбирларни белгилаганмиз. Лекин улар ҳақида кенг оммага жар солишни, ўзимизни тарғиб қилишни истамаймиз. Бизнингча, вақтинчалик қийинчилик кўриб турган одамларга ёрдам кўрсатиб, шу билан обрў орттириш инсофдан эмас. Ахир ҳар бир киши савоб ишни ҳар доимо қилиши керак.

Кўрсатаётган ёрдамимизни жамоатчиликка кўз-кўз қилиш, бизнингча, тўғри бўлмаса керак. Шунинг учун биз бу ишларни алоҳида ёндашув асосида амалга оширамиз.

**МДҲдаги ишлар бўйича бош менежер**
**Шавели МАТВЕЛИЕВ.**



**УШБУ ЛОЙИҲАЛАРНИНГ МУАЛЛИФИ — «ESENYA - Bau - und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland» ФИРМАСИ. МАЗКУР ЛОЙИҲАЛАРНИ ҲАР БИР БОСҚИЧДА ЛОЙИҲАЛАШ, ҚУРИШ БЎЙИЧА УНИНГ МУАЛЛИФЛИК ҲУҚУҚИ ХАЛҚАРО ҚОНУНЧИЛИК ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНЧИЛИГИ БИЛАН ҲИМОЯЛАНАДИ.**

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.


## Телекоммуникация

***Кейинги икки йил ичида Ўзбекистондаги уяли алоқа компаниялари абонентлари сафи жуда тез суръатда кенгайиб, йилига қарийб икки баравар кўпайиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, нафақат абонентлар сони, балки компаниянинг ўз мижозларига кўрсатаётган хизмат турлари ҳам ортаётир. Шу боис бир қарашда, энди абонентларни ҳеч қандай янгилик билан ҳайратга солиб бўлмайдигандек кўринади. Аммо, «COSCOM» компанияси Ўзбекистонда биринчи марта бутун республика аҳолисига REAL савдо маркаси остида, ҳақи олдиндан тўланувчи PrePaid карталаридан фойдаланиладиган унинг мутлақо янги тизимини таклиф этмоқда.***

# «МУАЙЯН ДАВРДА МУАЙЯН АЛОҚА»

## бизнинг ҳаётимизда воқеликка айланди




«Ҳақи олдиндан тўланадиган бу карталарнинг нимаси янги экан, қолаверса, айрим компаниялар уни Ўзбекистонда аллақачон жорий этганлар-ку?» дея кўпчилик эътироз билдириши мумкин. Бироқ, «COSCOM»нинг REAL тизими шунчаки ҳақи олдиндан тўланадиган карталар эмас, у Ўзбекистондаги биринчи ҳақиқий PrePaid маҳсулотидир. Чунки, «COSCOM»нинг REAL тизими фақат абонентлар сафини тўлдиришгина эмас, балки бир қатор мутлақо янги хизмат турларини жорий этишни ҳам назарда тутади.

Келинг, «COSCOM» янги REAL тизимини жорий этиш билан қандай қўшимча хизмат турларини тавсия қилаётганини кўриб чиқайлик.

REAL нима? Нега «муайян даврда муайян алоқа» дейилаяпти?

«COSCOM» компаниясининг PrePaid тизими REAL савдо маркаси остида кенг бозорга шунинг учун ҳам чиқиб бормоқдаки, у абонентга сарф-харажатларини мунтазам назорат қилиш имкониятини берган ҳолда, хизматларни муайян давр талабларига мос тарзда тарификациялаш учун шароит яратади. Бундан ташқари, Сиз ҳеч қачон қарз бўлиб қолмайсиз, шунингдек, махсус телефон рақамига қўнғироқ қилиб, ўз балансингиз ҳақида аниқ маълумотга эга бўла оласиз.

Ажойиб имконият! Шундай эмасми? Дарвоқе, янги тизимнинг имкониятларини чуқур таҳлил этишга киришишдан аввал ускуналарнинг қайси классга мансублиги ва PrePaid REAL тизими асосланган ечилмалар мажмуи ҳақида икки оғиз сўз айтиш жоиз. Барчага маълумки, «COSCOM» компанияси ўз фаолиятида Alcatel ва Motorola каби жаҳонда энг ишончли ва машҳур бўлган ишлаб чиқариш компаниялари ускуналаридан фойдаланади. Янги REAL тизимини жорий этиш ҳам бундан мустасно бўлмади. У жаҳонга машҳур Comverse компаниясининг Prepaid Servise тизимига асосланади.

«REAL» интеллектуал платформа ( SMS, PPS, VMS) негизида ташкил этилган маҳсулот. Comverse — унинг таъминотчиси ҳисобланади. Comverseнинг «Prepaid Servise»га ўз соҳасида жаҳонда энг ривожланган маҳсулот бўлиб, бир қатор имкониятларга эга. У бутун дунё бўйлаб 80 дан зиёд компанияларда ўрнатилган, турли тизимлар (жумладан, GSM, TDMA, CDMA) доирасида ишлайди, барча ишлаб чиқарувчилар коммутаторлари билан ҳамкорлик қилади ва операцияларни қўллаб-қувватловчи кўплаб тизимлар билан интеграциялашгандир. Кўлами жуда кенг бўлиб, ҳақини олдиндан тўлайдиган мингдан миллионгача фаол абонентларни қўллаши мумкин. Унинг имкониятлари доирасига ҳақи олдиндан тўланадиган қўнғироқларни муайян вақт тартибида назорат қилиш, турли усулларда, жумладан, турган жойи ва битта қўнғироққа бир нечта тариф қўлланишига қараб, биллинг усулида ҳақ ҳисоблаш, бир нечта хизмат пакетини қўллаш каби бир қатор вазифалар киради.

Шундай қилиб, «COSCOM» компанияси Comverse компаниясининг Prepaid Servise хизматидан фойдаланган ҳолда, ўз абонентларига жаҳондаги энг машҳур етакчи компанияларнинг ускуналари асосида сифатли алоқа ва бошқа хизматларни тавсия этишдек анъанавий одатига содиқ қолди.

Гап хизмат сифати ҳақида бораркан «COSCOM» компанияси 2004 йил 12 майда телекоммуникация сектори компаниялари орасида Ўзбекистонда биринчи ва МДҲда иккинчи бўлиб корхона менежменти тизими сифати халқаро ISO 9001-2000 андозасига мос эканлиги ҳақида сертификат олганлигини амалдаги ва салоҳиятли абонентларимизга маълум қилиб қўйишимиз лозим. Ушбу сертификат TUY Rheinland Berlin-Brandenburg Group (Германия) халқаро сертификациялаш ташкилоти томонидан берилди.

Корхонамиз учун жуда муҳим ва шарафли бўлган бу воқеа ҳақида биз алоҳида ҳикоя қиламиз. Ҳозир фақат шуни таъкидламоқчимизки, ушбу сертификат халқаро ташкилот ва компаниялар билан шартнома ва битимлар тузиш чоғида «COSCOM»га рақобатдан холи бўлиш ҳуқуқини беради.

«Муайян даврда муайян алоқа» ибораси янги жорий этилаётган REAL тизими учун асос қилиб олинди. Ушбу ибора REAL тизимининг мазмун-моҳиятини нисбатан тўлиқ акс эттиради. Ҳақиқатан ҳам, Real Startнинг бошланғич пакетига муайян вақт шароитида эга бўлиш, шартнома қоғозини тўлдириш, янги рақамни фаоллаштириш, REAL картасининг бошланғич бутламасига олдиндан ҳақ тўлаш ва «COSCOM» компаниясининг барча хизматларидан амалда фойдаланиш, шунингдек, муайян вақтда ўз балансини назорат қилиш мумкин. Одатда олдиндан ҳақ тўлашнинг оддий картасидан фойдаланганлар ҳисобварақларни тўлдириш жуда мураккаблигидан нолишади. Начора, шундай бўлиши мумкин. Бироқ «COSCOM»нинг REAL карталарига бунинг алоқаси йўқ. Ҳатто энг узоқ чўзиладиган иш — REAL тизимига уланиш жараёни ҳам 5 дақиқадан ортиқ вақтни олмайди. Негаки, янги рақамни фаоллаштириш учун SIM-картани телефонга қўйиш, PIN-кодни кўрсатиш, 9999 рақамини териш, 14 та рақамдан иборат махфий кодни киритиш кифоя — шунда REAL тизими Сизнинг ҳисобварағингиз тўлдирилганлиги ва телефонингиз фаоллашганини маълум қилади. Шуни таъкидлаш жоизки, REAL, тўғрироғи, унинг интерфаол хизмат кўрсатиш тизими (IVR) ўзбек, рус ва инглиз тилларида ҳам жавоб бериши мумкин.

REAL карталари сохталик ёки рухсат этилмаган фойдаланишлардан ишончли муҳофазаланган. Биринчидан, кодларни генерациялашнинг кучли алгоритмидан фойдаланилади, 14 та рақамдан иборат кодни ўғринча йўл билан тўғри теришга уриниш мутлақо беҳуда. Бунинг устига, ана шундай уринишлар сони чекланган. Иккинчидан, ҳимояловчи скретч қатлами учун голографик ниқоблаш ва қўшимча штрих-кодлаштиришдан фойдаланилади. Бироқ REAL тизимидан фойдаланишда Сизнинг маблағларингизни ҳимоялашнинг энг ишончли усули — қонуний тариф, шунингдек, ҳисобварағингизни исталган вақтда осон ва бемалол назорат қилиш имконияти мавжудлигидир. Биз REAL хизматидан жамиятнинг деярли барча қатлами фойдалана олиши учун зарур бўладиган ҳамма ишни қилдик.

Хуллас, REAL хизматидан баҳраманд бўлиш учун нима қилиш керак бўлади?

REAL тизимига уланиш учун бошланғич пакетга эга бўлиш кифоя. REAL Startнинг бошланғич пакети бутламасига қуйидагилар киради:

**** SIM-карта ва PIN-кодлар***

**** Шартнома варақаси***

**** REAL абоненти маълумотномаси***

**** 5 бирликда номинал тўлов REAL картаси***

**** REAL абонентининг телефон рақами***

«COSCOM» абоненти бўлиш ва REAL тизимига уланиш авиабилет сотиб олишга нисбатан ҳам оддийлашди. Чунки керакли рейс учун жой қолмаган бўлиши ёки самолёт ҳафтасига бир марта учиши мумкин. «COSCOM» қўшма корхонаси билан тузиладиган битимнинг бежирим дафтарча шаклидаги варақаси чинданам авиабилетни эслатади. Унда фойдаланувчи учун керак бўлган барча зарур маълумотлар мужассам, шу билан бирга, уни тўлдириш учун нари борса икки дақиқа вақт кетади.

Абонентлар ҳисобварағларини тўлдириш ва рақамларини фаоллаштириш учун REAL тўлов карталаридан фойдаланилади. Улар қуйидаги учта номиналда чиқарилади:

**** 5 бирлик номиналда REAL карта тўлови, тўлов ҳаракати муддати — 20 кун***

**** 10 бирлик номиналда REAL карта тўлови, тўлов ҳаракати муддати — 40 кун.***

**** 20 бирлик номиналда REAL карта тўлови, тўлов ҳаракати муддати — 60 кун***

REAL карта тўловлари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг амалдаги валюта курсига мувофиқ, номинал қийматда амалга оширилади. 1 бирлик 1 АҚШ долларига тенг деб, қабул қилинади. Тўлов ҳаракати муддати карта фаоллаштирилган (ҳисобварақ тўлдирилган пайтдан ҳисобланади).

REAL маҳсулотлари «COSCOM» компаниясининг барча офислари ва агентлик пунктларида бемалолдир. Бинобарин, REAL тизимига исталган вақтда ва ўзингизга қулай бўлган жойда уланишингиз ёки тўлдириш картасини олишингиз мумкин.

REAL тизимида 593 сони воситаси билан компаниянинг тармоқли рақамларидан фойдаланган ҳолда, тармоқли рақамлаш тартиби қўлланилади. Шундай қилиб, REAL тизими абонентлари қуйидаги йўл билан қўнғироқ қилиб чақирилади: Ўзбекистон бўйича — 8 593 xxx-xx-xx, дунёнинг бошқа мамлакатларидан — 998 93 xxx, xx, xx. Рақами фаоллаштирилганидан сўнг REAL абонентлари уяли алоқанинг исталган оммавий хизмат турларидан, яъни ўзлари қўнғироқ қилишлари (шу жумладан, халқаро ва шаҳарлараро қўнғироқ), ўзларига бўладиган қўнғироқлардан, SMS-хабарлар («COSCOM» тармоғи ичида ва «COSCOM»нинг 130 роумингшериклари абонентлари билан), шунингдек, рақамни автомат усулда аниқлаш воситасидан фойланишлари мумкин.

Агар сиз ҳисобварағингизни тўлов картаси орқали тўлдиришни унутган ёки бунга улгурмаган бўлсангиз ҳам, REAL тизимидан яна 90 кун давомида фойдалана оласиз. Демак, рақамингиз блокировка қилинганидан сўнг ҳам Сиз алоқа тизимида қолиб, 90 кун (уч ой!) давомида «COSCOM» тармоғи ичидаги тезкор қўнғироқ ва SMS-хабарларни мутлақо бепул қабул қиласиз! Қани айтингчи, Ўзбекистондаги яна қандай оператор ўз абонентларига нисбатан шундай меҳрибончилик қилиши мумкин?

«COSCOM» компаниясининг 8 йиллиги, шунингдек, уяли алоқанинг янги REAL маҳсулоти бозорга чиққанлиги муносабати билан 2004 йил 13 майда ўтказилган тақдимот маросимида компания директори Алексей Степанов таъкидладики, REALга ўхшаган PrePaid тизимидан дунёдаги 80 фоиз абонент фойдаланмоқда. Агар уяли алоқа абонентлари сони Ўзбекистонда жами аҳолининг 2 фоизидан ошмаслиги (Россияда бу кўрсаткич 30 фоиз) ҳисобга олинса, бизнинг мамлакатимизда янги REAL тизимига эҳтиёж катта ва унинг истиқболи порлоқ, дейиш учун ҳамма асослар бор.

Бундан икки йил аввал Россия каналларидаги рекламалар («Би+» шаклидаги хизмат)ни кузатар эканмиз ёки Европадан келган дўстларимизнинг ҳикояларини тинглар эканмиз, Ўзбекистонда REAL каби алоқа хизмати ҳақида фақат орзу қилишимиз мумкин эди. Бугун эса... Ҳақиқатан ҳам, «муайян даврда муайян алоқа» биз учун воқеликка айланди.

**«COSCOM» қўшма корхонаси матбуот хизмати.**



## Мерос ва замон

***Адабиётимизнинг асосчиси Алишер Навоий умр бўйи тинмай ижод қилган. Ўз халқига беқиёс бой адабий-маънавий мерос қолдирган. Бу хазина эса авлодлар томонидан асрлар давомида катта эътиқод билан севиб ўрганилиб келинмоқда.***

# Улуғ шоирга муносиб нашр

Айниқса, мустақиллик даврида буюк шоир асарлари ўзининг муносиб қадр-қимматини топди. Алишер Навоий шеърий девонлари — «Бадоеъул-бидоя», «Наводирун-ниҳоя», мукаммал девони «Хазойинул-маоний», достонларидан «Ҳайратул-аброр», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий»ни ўз ичига олган «Хамса» мажмуасида ўз даври ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти учун энг долзарб бўлган муаммоларнинг чуқур ғоявий-бадиий талқинларини берди. Унинг барча асарларида инсонпарварлик ҳамда ватанпарварлик ғоялари жаҳон адабиёти юксаклигида куйланди. Бундан шоирнинг ўзи ҳам мамнун бўлиб, «Садди Искандарий» достонида қуйидаги сўзларни ёзган эди:

*Улуғ комлардан*
*эдим бахтиёр,*
*Ки йўқ эрди анда*
*манга ихтиёр...*
*Ва лекин не ғам —*
*Тенгри айлаб карам —*
*Улуғ муддао берса,*
*мақсуд ҳам.*

Унинг лирик шеъриятида ҳам, достонларида ҳам Шарқ адабиётининг Абулқосим Фирдавсий ва Юсуф Хос Хожиб, Низомий ва Ҳайдар Хоразмий, Хусрав Деҳлавий ва Жомий, Ҳофиз ва Лутфий адабий анъаналари ўзининг янги ривожини топган. Китобхонларда шоир ижодига қизиқиш ҳамма даврларда кучли бўлган. Навоий асарларини мажмуага тўплаш ғояси XV асрнинг ўзидаёқ туғилган. Машҳур хаттот Али Ҳижроний Ҳиротда 1525-1527 йилларда Навоий «куллиёти»ни яратганлиги тарихда маълум. Бизнинг давримизга келиб, бундай ғоянинг юзага чиқишига эса узоқ йиллар мобайнида навоийшунос олимларнинг шоир меросини ўрганиш, нашр этиш бўйича тўплаган тажрибалари асос бўлди.

Бу соҳада XX асрда талай ишлар амалга оширилди. Изланишларнинг энг муҳим таркибий қисмини матншунослик ташкил этади. Алишер Навоий таваллудининг 500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик муносабати билан лотин ёзувида шоирнинг «Хамса» таркибидаги асарлари ва «Чор девон» номи билан лирик шеърлари эълон қилинган эди. 1948 йилда эса унинг 3 жилддан иборат «Танланган асарлар»и нашр этилди.

1963-1968 йилларда шоир «Асарлар»ининг ўн беш жилди эълон қилинди. Лекин бу ишларнинг ҳаммаси халқимиз ва шоир ижоди мухлисларининг талаблари даражасида мукаммал эмасди. Чунки собиқ совет даврида нашр этилган кўп жилдликларда ўша тузум мафкурасининг таъсири яққол сезилиб туради. Шу сабабданки, уларда Навоийнинг мероси тўла жамланмаган, бир қатор нодир асарлари тушиб қолган, нашр этилган асарларида эса кўпгина матний қусурлар учрайди.

Шуни ҳисобга олиб, ўтган асрнинг 80-йиллари ўртасида Ўзбекистон Фанлар академияси қошидаги Тил ва адабиёт, Қўлёзмалар институтлари ҳамда Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи навоийшунос олимлари мутафаккир шоирнинг йигирма жилддан иборат «Мукаммал асарлар тўплами»ни нашрга тайёрлашга киришдилар. Унинг биринчи жилди «Фан» нашриёти томонидан 1987 йили босмадан чиқарилган эди. Улуғ шоир меросининг 20 жилдлик мукаммал тўпламини яратишда XX асрдаги навоийшунос олимларимиздан А. Фитрат, П. Шамсиев, И. Султон, С. Муталлибов, Юнус Латиф, М. А. Насриддинов (Бокий), адибларимиздан С. Айний, Ғ. Ғулом, Ойбек, Ҳ. Олимжон, Уйғун, С. Абдулла, А. Умарий ва бошқаларнинг меҳнатлари самараларидан ҳам фойдаланилди. Шу билан бирга, бу кўпжилдликда кейинги таниқли адабиётшунос олимларнинг катта куч-ғайрат сарфлаб қилган илмий-амалий матншунослик меҳнатлари ҳам ўз ифодасини топди. Масалан, домла Ҳамид Сулаймон Навоийнинг лирик ижоди бўйича қомусий асари — «Хазойинул-маоний»ни тиклаш ва тўла-тўкис нашр этиш йўлида кўп йиллар меҳнат қилди. 20 жилдликнинг тўртта китобида — 3,4,5 ва 6-жидликларда ана шу улкан шеърий обида ўрин олди.

Ёки Навоий буюк шоиргина бўлиб қолмай, айни пайтда ундан улкан насрий ва илмий мерос ҳам қолганлигини биламиз. Шоирнинг насрий ва илмий меросини ўрганиш ҳамда нашрга тайёрлаш жабҳасида яна бир атоқли ўзбек олимаси Суйима Ғаниева жуда сидқидилдан ва кўп йиллар мобайнида изчил иш олиб борди. Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб», «Мажолисун-нафоис» тазкиралари, адабиётшуносликка доир «Ҳолоти Паҳлавон Муҳаммад» асари мана шу олиманинг хизматлари туфайли кўп жилдликнинг бир неча китобларида мукаммал нашр этилди. Ниҳоят, Навоийнинг «Насойимул-муҳаббат» асари совет даврида диний асар сифатида умуман эсланмас эди. С. Ғаниева ва М. Мирзааҳмедовалар биргаликда бу нодир асарни ҳам кўп жидликнинг 17-китоби учун тайёрлаб бердилар.

Кўпжилдликнинг дунёга келишида яна бошқа ўнлаб ҳозирги, катта истеъдодли навоийшунос олимларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

«Мукаммал асарлар тўплами»да Навоийнинг форс тилидаги мероси, жумладан, «Девони Фоний» ҳам насрий таржималарда берилган. Шунингдек, улуғ шоирнинг форсий қасидалари, «Муфродат» асарини ҳам ўзбек китобхонлари ўқишга муяссар бўладилар.

Ушбу кўп жилдликда Навоий асарлари кенг кўламдаги шарҳлар, изоҳлар, иловалар билан нашр этилганлигини ҳам алоҳида таъкидлашимиз зарур. Мана шундай меҳнат ҳам унинг «мукаммал нашр» эканлигидан далолатдир. Ушбу маданий обидаинг юзага чиқишини фақат Ўзбекистон мустақиллигининг шарофати билан боғлаб изоҳлаш ўринли бўлади.

Президентимизнинг шахсан ўзлари Алишер Навоий шахсияти ва ижодий меросига алоҳида эътибор кўрсатмоқдалар. Мана шу эътибор туфайли улуғ шоир ижодининг халқ орасидаги тарғиботи ҳар қачонгидан кучайди. Навоий асарларининг маҳобатли йигирма жилдлиги ҳам мана шу тарғиботда бош манба бўлиши шак-шубҳасиз.

Мажмуанинг номидаги «мукаммал» сўзи кўпроқ унда шоирнинг асарлари ва асарларига доир қўлёзма ҳамда манбалар мумкин қадар қамраб олинди, деган маънони билдиради. Ушбу нашрда, хусусан, девонлар матнида айрим сўзларнинг нотўғри ўқилгани, албатта, китобхонга хуш келмаслиги, табиий. «Рисолаи тир андохдан» асари (16-жилд)нинг эса Навоий қаламига мансублиги етарли даражада асосланмаган. Шу билан бирга, айрим сўз ва атамаларнинг изоҳлари ҳам етарли даражада чуқур эмас.

Шунга қарамай, ушбу салмоқли мажмуа навоийшунослик фанимизнинг катта ютуғидир.

Навоийшунослик олдида энди мажмуани янги лотин ёзувида қайтадан нашр этиш ҳамда улуғ шоир ва мутафаккир асарларининг бундан-да мукаммал янги нашрини тайёрлашга киришиш вазифаси турибди.

**Абдуқодир ҲАЙИТМЕТОВ,**
**филология фанлари доктори, профессор.**

ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ
РЕСПУБЛИКА РАССОМЛИК КОЛЛЕЖИ
2004/2005 ўқув йилига қуйидаги мутахассисликлар бўйича танлов асосида қабул эълон қилади:
- ранг тасвир;
- маҳобатли ранг тасвир;
- графика;
- маҳобатли безак санъати;
- театр ва тарихий либос;
- бутафория;
- бадиий грим;
- санъат асарларини таъмирлаш;
- ҳайкалтарошлик;
- ёғоч ўймакорлиги;
- лок миниатюра.



Ўқишга 9-синфни тугатган ўғил ва қизларни таклиф этамиз. Аризалар 2004 йилнинг 1 июнидан 15 июлигача қабул қилинади.
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Шайҳонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси, 6-уй (Мўлжал: «Ҳадра» майдони билан Халқлар дўстлиги оралиғи, «Қоратош» бекати).
Телефон: 45-07-65.

## Воронеждан олтин медаль билан

Воронеж давлат тиббиёт академиясида бўлиб ўтган талабаларнинг XI Россия илмий конференциясида мамлакатимиз вакиллари ҳам иштирок этишди.

Анжуманда қатнашган Самарқанддаги Болалар жарроҳлиги илмий маркази директори, профессор А. Шамсиевнинг шогирдлари "Болалар хирургияси, анестезиология ва реаниматологиянинг долзарб муаммолари" мавзуида маъруза қилишди. Нуфузли ҳайъат қарори билан Самарқанд вилоятидаги тиббиёт институти талабалари Н. Давидян биринчи, Ф. Абдуллаев ва Т. Қобиловлар иккинчи даражали диплом билан тақдирландилар.

Илмий анжуман якунларига кўра, институтнинг Болалар жарроҳлиги кафедраси талабалари олтин медаль ва биринчи даражали диплом билан мукофотланди.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Рустаму Достонлар — чемпион

АҚШнинг Чикаго шаҳрида шарқона яккакураш бўйича ўтказилган халқаро турнир наманганлик ёш каратэчиларга омад келтирди.

Вилоят марказидаги 1-мактабнинг 5-синф ўқувчиси Рустам Рўзиев саралаш, ярим финал ва финал баҳсларида Хитой, Америка ва Мисрдан келган тенгдошларини мағлуб этиб, мамлакатимиз терма жамоасига биринчи олтин медални олиб берди. Ундан сўнг татамига чиққан Наманган туманидаги 22-мактаб ўқувчиси Достон Турғуновнинг "жанг"лари ҳам олтин медаль билан тақдирланди.

**Ўз мухбиримиз.**

TRAST TA'MINOT
ФОСФОХИМ закрытое акционерное общество
AZMOL
реализует со склада в Ташкенте
СМАЗКИ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН (пр-ва России, Украины)
Смазка 1-13 · Литол-24 · Фиол-1
Графит. жир. · ШРУС-4 · Фиол-2
Технологич.СВ-1 · ЖРО · ИП-1 л/з
Прессолидол Ж · ЛЗ- ЦНИИ · Солидол Ж
Графит. Термост. «ГТШ» · Смазка 158
Графит. электропров. ж/д. «КЖ»
Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»
Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221.
Упаковка: 1л.: 25 л.: 200л.
АВТОШИНЫ (пр-ва "Нижнекамскшина")
7,5 X 20 (шт.) с/х шины
АККУМУЛЯТОРЫ (пр-ва СП "Осиё-Батарея")
12V (36,60,72,90,105,132,150,190, 200) по цене завода изготовителя.
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
BANK

MAKSIMA МЕБЕЛЬ САЛОНИ
Италия, Испания, Польша, Германиядан келтирилган мебеллар, ёритгичлар, қандиллар, идиш-товоқ, расмлар, кўрпа-ёстиқ анжомлари ва санъат маҳсулотларини таклиф этади.
MAKSIMA АРТ-ДИЗАЙН-СТУДИЯСИ
хонадонингиз, ҳовлингиз дизайнини якка тартибда ишлаб беради.
Каталог бўйича буюртмангиз етказиб берилади.
«Rosenthal»дан сара идиш-товоқлар.
Манзилимиз: Тошкент ш., Кунаев к. (собиқ Сапёрная), 46-уй.
Мўлжал — Миробод бозори.
Тел.: 111-14-44, 152-75-94.
e-mail : maksima_@globalnet.uz
Товарлар сертификатланган.

Организация реализует со склада вТашкенте:
КАБЕЛЬ (АВВГ, ВВГ, АСБ, ААШВ, КГ, КВВГ, ТПП, ПВ, АПВ, ППБН, ПУНП и т.д.)
ЭЛЕКТРООБОРУДОВАНИЕ (ЯЧЕЙКИ, ТРАНСФОРМАТОРНЫЕ ПОДСТАНЦИИ, ДИЗЕЛЬ-ГЕНЕРАТОРЫ)
Товар сертифицирован
СВЕТИЛЬНИКИ (ЛПО, ЛСП, НСП, РСП, РКУ и т.д.)
ЛАМПЫ (ЛД, ДРЛ, ДНАТ и т.д.)
ВОЗМОЖНЫ КОНТРАКТНЫЕ ПОСТАВКИ ИЗ БЛИЖНЕГО И ДАЛЬНЕГО ЗАРУБЕЖЬЯ ПО ВАШЕМУ ЗАКАЗУ
700015, г. Ташкент, ул. Нукусская, 29-д.
Дом быта "Узбекистан", 5-й этаж
Т/ф.: (998 71) 136-01-54, 133-12-84
E-mail: gamma-elektro@yandex.ru

ESENYA ҚУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ
ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.
Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.
Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.
ESENYA Bau- und Handelinvestition GmbH Traunreut - Deutschland
ОАО АТТРАКЦИОН CATALOGUE



АВТОДРОМ
БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН
Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

MAKBOIL
Maliani
ООО "MAKBOIL"
короткорезанные и длиннотрубчатые МАКАРОНЫ В АССОРТИМЕНТЕ
Форма оплаты - любая
Тел.: 8 (371) 161-15-93, 109-38-23, 188-98-28, (3712) 72-97-15.

«ҲИМОЯ – ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ» АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
ТЎЛОВ — НАТИЖА БЎЙИЧА!
ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТАДИ:
- дебиторлик қарзларини ундириш;
- ҳар қандай хўжалик низоларини кўриб чиқиш;
- корхоналарга юридик хизмат кўрсатиш;
- шартномалар ва импорт контрактлар экспертизаси;
- суд қарорларини ижро этиш;
- корхоналарни тезкор рўйхатдан ўтказиш ва қайта рўйхатдан ўтказиш.
HIMOYA
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН.
Телефонлар: Тошкент ш., (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72.
Бухоро ш.: (365) 223-63-72, 223-68-85. Самарқанд ш.: (3662) 35-76-15.
e-mail: himoya@sarkor.uz

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати: Э. Болиев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Миралимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г —669. 28745 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Баҳодир Файзиев томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
[1]-Тижорат материали

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — Р. Ёрлақабов.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 21.40 1 2 3 5 6